Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 205 (7095). • 26 октябрь, 1979 йил ◆ Ж У М А • Баҳоси 2 тийин.

ДУСТОНА ВАЗИЯТДА

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР ҳукумати 24 октябрь куни Катта Кремль саройида Яман социалистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, ЯХДР Олий халқ кенгаши президиумининг Раиси Абдил Фаттоҳ Исмоил шарафига зиёфат бердилар.

Зиёфатда А. Ф. Исмоилга ҳамроҳ бўлиб келган жанубий Яман давлат арбоблари ҳам ҳозир бўлдилар.

Совет томонидан зиёфатда Л. И. Брежнев, А. А. Громико, Д. Ф. Устинов, В. В. Кузнецов, Н. А. Тихонов, Б. Н. Пономарев ўртоқлар, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети раисларининг ўринбосарлари, СССР Давлат комитетларининг раслари, бошқа расмий кишилар бор эди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев зиёфатда нутқ сўзлади.

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Азиз ўртоқ Абдил Фаттоҳ Исмоил!

Жанубий яманлик азиз дўстлар!

Ўртоқлар!

Ўртоқ Исмоил, Сизни ва бу ерга келган Яман Халқ Демократик Республикасининг барча раҳбар арбобларини чин кўнгиллан қувониб табриклайман.

Демократик Яман халқи миллий озодлик ҳаракати тарихига кўпгина шонли саҳифалар биттан жанубий Яман халқи тоғлардаги дастлабки партизан отрядларидан бошлаб то антиимпериалистик қўзғолоннинг ғалабасигача, мустақилликка эришилиб, социализм қуриш йўли эълон қилингунгача бўлган йўлни босиб ўтди. Бу йўлни у эндиликда Яман социалистик партиясига бирлашган ўз революцион авангарди раҳбарлигида босиб ўтди.

Ленинча ташқи сиёсат принципларига садоқатли Совет Иттифоқи бизга каби озодлик, мустақиллик ва тинчлик ишига ихлос қўйган, гегемончиликнинг ҳар қандай кўринишларига муросасиз мамлакатлар билан муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият бермоқда.

Империализмга қарши курашда, тинчлик учун курашда иттифоқчиларимизгина бўлиб қолмай, шу билан бирга одам одамни эксплуатация қилишидан ҳалос бўлган жамият қуришни ўзига мақсад қилиб олган маслакдошларимиз ҳам бўлган мамлакатлар бизга айниқса қардлидир. Бу мамлакатларнинг Совет Иттифоқидан ва социалистик ҳамдўстликдаги бошқа давлатлардан кўра ҳам садоқатлироқ ва ишончлироқ дўстлари йўқ.

Совет Иттифоқи билан Яман Халқ Демократик Республикаси жаҳон сиёсати масалаларида, шу жумладан, Яқин Шарққа тааллуқли масалаларда бир хил позицияда турганликлари ҳам бизни қувонтириши табиий.

Афсуски, дунёнинг шу районидаги аҳвол хатарлилигича қолмоқда. Бунинг сабаби битта — Тель-Авив раҳбарлари ва уларнинг ҳориждаги ҳомийлари ақл-идрок овозига қулоқ солишдан ўжарлик билан бош тортаётганлигидир.

Исроил 1967 йилдан бери ўзи босиб олган ҳамма араб ерларини бўшатиб берган тақдирдагина ва Фаластин араб халқининг миллий ҳуқуқларини, шу жумладан ўзининг мустақил давлатини барпо этиш ҳуқуқини рўёбга чиқаришига тўсқинлик қилмаган тақдирдагина 1967 йилги чегаралар доирасида хавф-хатарсиз яшашга умид боғлаши мумкинлигини алдақачонлар тушуниб олиши керак эди.

Вақт ғанимат, башарти бирон кимса вақт Исроил фойдасига ишлаяпти, деган умид билан ўзига тасалли бераётган бўлса, янглишади.

«Тез чора кўриш корпуси» деб аталган ва фақат империалистларнинг қутқуси билан юзага келган янги яратилган корпус ёрдамида араб мамлакатларини ўз миллий бойликларини тасарруф этишдан иборат дахлсиз ҳуқуқдан воз кечишга мажбур этиш мумкин, деб ўйлаётган кимсалар ҳам янглишадилар. Давлат заковати пулемёт ва милтиқ билан «тез чора кўриш» дан иборат эмас: ҳозирги дунёнинг объектив реалликларини ҳисобга олиб, тўғри тадбир кўриш, муаммоларни тинч ҳал этиш йўлларини излаш — энг асосий вазифадир.

Империалистларнинг ҳозирги замон ниқобидаги «дўқ-пўписа сиёсати» машмашалари кескинликнинг янги хатарли маконлари вужудга келишига ва эски маконлари кескинлашишигагина олиб бориши, умуман халқаро вазиятни ёмонлаштириши мумкин. Агар халқлар сергак бўлиб турсалар ва ўз вақтида кескин зарба берсалар, бизнинг замонамизда мустамлакачиларнинг шармандан-шармисор бўлган сиёсатини қайта тиклаш йўлидаги уринишлар мағлубиятга учраши муқаррар.

Кўпчилик араб мамлакатлари каби жанубий Яман халқи ва раҳбарлари ҳам айни шундай иш тутаётганликларини мамнуният билан қайд этамиз.

Азиз дўстлар, гапимнинг охирида демократик Яман делегациясининг ҳозирги визити ва бизнинг музокараларимиз мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстлик ҳамда ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришда янги муҳим босқични бошлаб беради, деб ишонч билдиришга ижозат бергайсизлар.

Ўртоқ Абдил Фаттоҳ Исмоилнинг ва жанубий яманлик бошқа раҳбарларнинг соғлиғи учун, Совет Иттифоқи ва демократик Яман халқлари ўртасидаги дўстлик учун, Яқин Шарқда ва бутун дунёда одилона ва мустаҳкам тинчлик учун қадаҳ кўтаришни таклиф этаман!

(Давоми 2-бетда).

А.Ф. ИСМОИЛГА ЮКСАК МУКОФОТ ТОПШИРИЛДИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 24 октябрь куни Кремлда, Яман социалистик партияси Марказий Комитети Бош секретари, ЯХДР Олий халқ кенгаши президиумининг Раиси Абдил Фаттоҳ Исмоил шарафига зиёфат бердилар.

Зиёфатда А. Ф. Исмоилга ҳамроҳ бўлиб келган жанубий Яман давлат арбоблари ҳам ҳозир бўлдилар.

Совет томонидан зиёфатда Л. И. Брежнев, А. А. Громико, Д. Ф. Устинов, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев ўртоқлар, шунингдек СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. П. Георгадзе, КПСС Марказий Комитети бўлим мудири Л. М. Замятин, Иқтисодий алоқалар Давлат комитети Раиси С. А. Скачков, КПСС Марказий Комитети бўлим мудирининг биринчи ўринбосари К. М. Боголюбов, СССР Ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари Г. М Корниенко, СССРнинг ЯХДРдаги элчиси Ф. Н. Федотов ҳозир бўлдилар.

Жанубий Яман томонидан ЯСП Марказий Комитети сиёсий бюросининг аъзолари — ЯСП Марказий Комитети секретари Муҳаммад Солиҳ Мутийя ва ЯХДР балиқ ресурслари министри Анис Ҳасан Яҳё, ЯСП Марказий Комитети сиёсий бюроси аъзолигига кандидатлар — ЯХДР Ташқи ишлар министри Салим Солиҳ Муҳаммад ва ЯХДР Мудофаа министри Али Аҳмад Носир Антар, А. Ф. Исмоилга ҳамроҳ бўлиб келган бошқа давлат арбоблари бор эди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев мукофотни топшираётиб бундай деди:

Азиз ўртоқ Исмоил, яқинда бўлиб ўтган юбилейингиз билан ва Совет Иттифоқининг Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотланганингиз муносабати билан яна бир марта табриклашга руҳсат бергайсиз. Бу юксак мукофот совет кишиларининг Сизга ва демократик Яман халқига бўлган чуқур иззат-ҳурматининг ифодасидир.

Миллий озодлик, тинчлик ва социал тараққиёт учун кураш йўлидаги ҳизматларингиз учун, демократик Яман билан Совет Иттифоқи халқлари ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшганлигингиз учун Сизга шу орденни шахсан топшираётганлигимдан хурсандман.

Сизга чин қалбдан сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, олижаноб фаолиятингизда янги катта муваффақиятлар тилайман.

Ўртоқ А. Ф. Исмоил ўзининг жавоб нутқида бундай деди:

Азиз ўртоқ Леонид Ильич Брежнев!

Менга Халқлар дўстлиги ордени топширилаётган ва менинг учун тантанали бўлган шу дақиқаларда юксак мукофот учун Сизга, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига, СССР Олий Совети Президиумига, совет халкининг барча намояндаларига самимий миннатдорчилигимни изҳор этишга руҳсат бергайсиз.

Шу орденни миннатдорчилик ва чуқур мамнуният ҳисларига тўлиб қабул қилар эканман, мен бу мукофотни Яман социалистик партиясига, бизнинг бутун халқимизга берилган мукофот деб, унинг халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик учун ва аввало Совет Иттифоқи билан дўстлик учун курашда сарфлаётган кучғайратини эътироф этиш деб ҳисоблаётганлигимизни таъкидлаб ўтмоқчиман.

Халқлар дўстлиги — пролетар интернационализмининг баланд қўтарилган байроғи остида озодлик, социализм ва дўстлик идеаллари йўлида амалга оширилган Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ҳаётий муҳим ғалабаларидан биридир. Улуғ Октябрь халкларга янги дунёни, қардошлик ва дўстлик дунёсини барпо этиш учун кураш йўлини кўрсатиб берди.

Биз улуғ Ленин партияси ҳамиша амал қилиб келган шу идеаллардан руҳланиб, демократик Яманда барча халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш ва аввало Совет Иттифоқи билан дўстона муносабатларимизни мустаҳкамлаш йўлидан бундан кейин ҳам олға бораверамиз.

Топширилган мукофот мамлакатларимиз ўртасида олиб бориладиган бундан буёнги ишларимизда менинг учун рағбатлантирувчи янги омил бўлади деб Сизни ишонтираман.

Азиз ўртоқ Брежнев, Сизга яна бир марта ташаккур билдиришга ва пролетар интернационализмининг бузилмас принциплари негизида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг янада мустаҳкамланишини истаганлигимни изҳор этишга руҳсат бергайсиз.

Мукофотни топшириш чоғида иштирок этган Совет Иттифоқи ва Яман Халқ Демократик Республикасининг давлат арбоблари А. Ф. Исмоилни юксак мукофот билан самимий табрикладилар.

СОВЕТ—ЖАНУБИЙ ЯМАН МУЗОКАРАЛАРИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Сиёсий бюроси аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР Мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали Д. Ф. Устинов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми раисининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети секретари Б. Н. Пономарев билан Яман социалистик партияси Марказий Комитети Бош секретари, Яман Халқ Демократик Республикаси Олий халқ кенгаши президиумининг Раиси Абдил Фаттоҳ Исмоил, ЯСП Марказий Комитети сиёсий бюроси аъзоси, Марказий Комитет секретари Муҳаммад Солиҳ Мутийя, ЯСП Марказий Комитети сиёсий бюроси аъзоси, ЯХДР балиқ ресурслари министри Анис Ҳасан Яҳё, ЯСП Марказий Комитети сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, ЯХДР Ташқи ишлар министри Салим Солиҳ Муҳаммад, ЯСП Марказий Комитети сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, ЯХДР Мудофаа министри Али-Аҳмад Носир Антар ўртасида 24 октябрь куни Кремлда музокаралар бошланди.

Сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий, маданий ва бошқа соҳаларда Совет-Жанубий Яман муносабатларини янада ривожлантириш тўғрисида самимий ўртоқларча вазиятда фикрлашиб олинди. Империализмга ва унинг ҳомийларига қарши, тинчлик ва социал тараққиёт учун курашда вазифаларнинг муштараклигига асосланган шу муносабатлар муваффақиятли ривожланаётганлиги мамнуният билан қайд этилди.

Л. И. Брежнев революция ғалабаларини, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни мустаҳкамлаш ишида Яман социалистик партияси раҳбарлигида Яман Халқ Демократик Республикасининг Жанубий Яман халқи манфаатлари йўлида эришаётган муваффақиятларини табриклади.

Халқаро масалаларни муҳокама қилганда Яқин Шарқдаги аҳволга алоҳида эътибор берилди. Музокаларнинг иштирокчилари Миср-Исроил сепарат шартномасининг тузилганлиги бу райондаги можарони одилона ва ҳар томонлама ҳал этишга эришиш йўлида жиддий тўсиқни вужудга келтирганлигини уқтириб ўтдилар. Сепарат тил бириктиришлар сиёсати, деди Л. И. Брежнев, истиқболсиз сиёсатдир. Сепарат шартномани улоқтириб ташлаган тақдирдагина барча манфаатдор томонларнинг, шу жумладан Фаластин Озодлик Ташкилоти иштирокида Яқин Шарқдаги можарони одилона ҳар томонлама бартараф этишга қараб бурилиш ясаш мумкин.

Л. И. Брежнев билан А. Ф. Исмоил империалистик кучларнинг Қизил денгиз ва Форс кўрфази районларида кескинлик ўчоқларини вужудга келтириш, шу региондаги мамлакатларнинг ички ишларига аралашиш, уларнинг миллий бойликларидан фойдаланиш мақсадида янги ҳарбий блоклар тузиш йўлида кучайиб бораётган ғоя ва ишларини қораладилар. Л. И. Брежнев Совет Иттифоқи империализм ва реакция кучларига зарба бераётган араб халқларига тўла тарафдор эканлигини қатъий айтди.

СОВЕТ-ЖАНУБИЙ ЯМАН ҲУЖЖАТЛАРИ ИМЗОЛАНДИ

25 октябрь куни Катта Кремль саройида Совет-Жанубий Яман ҳужжатлари имзоланди.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Яман Халқ Демократик Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани;

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи номидан — КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев;

Яман Халқ Демократик Республикаси номидан — Яман социалистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари ЯХДР Олий халқ кенгаши Президиумининг Раиси Абдил Фаттоҳ Исмоил имзоладилар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Яман социалистик партияси ўртасида 1980—1983 йилларга мўлжалланган алоқалар плани имзоланди. Плани КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев ва ЯСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ЯСП Марказий Комитетининг секретари Муҳаммад Солиҳ Мутийя имзоладилар.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукумати билан Яман Халқ Демократик Республикаси ҳукумати ўртасида иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги протокол ҳам имзоланди. Протоколни СССР ҳукуматининг ваколатига кўра — иқтисодий алоқалар Давлат комитетининг Раиси С. А. Скачков; ЯХДР ҳукуматининг ваколатига кўра — ЯХДР Қурилиш министри Ҳайдар Абубакр Ал-Аттас имзоладилар.

Ҳужжатларни имзолаш чоғида:

Совет томонидан — Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, А. А. Громико, Д. Ф. Устинов, П. Н. Демичев, В. В. Кузнецов, М. С. Соломенцев, Н. А. Тихонов, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, М. В. Зимянин, М. С. Горбачев, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети раисларининг ўринбосарлари, СССР министрлари, СССР Давлат комитетларининг раислари, бошқа расмий кишилар;

Жанубий Яман томонидан — ЯСП Марказий Комитети сиёсий бюросининг аъзоси, ЯХДР Балиқ ресурслари министри Анис Ҳасан Яҳё, ЯСП Марказий Комитети сиёсий бюроси аъзолигига кандидатлар — ЯХДР Ички ишлар министри Салим Солиҳ Муҳаммад ва ЯХДР Мудофаа министри Али Аҳмад Носир Антар, А. Ф. Исмоилга ҳамроҳ бўлган бошқа давлат арбоблари ҳозир бўлдилар.

(ТАСС).

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ҒАЛЛАКОРЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

Тошкент область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари партия XXV съезди, КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль ва ноябрь Пленумларининг қарорларини бажара бориб, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг йўл-йўриқларига амал қилиб, бу йил мўл ғалла ҳосили етиштирдилар ва давлатга дон сотиш юзасидан оширилган социалистик мажбуриятни муддатидан илгари—1979 йил 24 октябрь куни бажардилар.

Область колхозлари, совхозлари ва бошқа давлат хўжаликлари ғалла қабул қилиш пунктларига 115 минг тонна дон, шу жумладан 56 минг тонна бошоқли экинлар дони, 38 минг тонна шоли ва 21 минг тонна маккажўхори дони етказиб бердилар, бу эса белгиланган йиллик харид қилиш ҳажмидан 44 минг тонна ёки қариб 62 процент кўпдир. Келгуси йил ҳосили учун зарур миқдорда бошоқли дон экинлари ва шоли уруғлиғи ғамлаб қўйилди.

Областдаги барча районларнинг ғаллакорлари меҳнат ғалабасига катта ҳисса қўшдилар. Ғалаба районининг деҳқонлари давлат омборларига 20 минг тоннадан кўпроқ, Коммунистик райони 18,8 минг тонна, Бекобод райони 18,5 минг тонна, Оҳангарон райони 17 минг тонна, Ўрта Чирчиқ ва Оққўрғон районлари 6—8 минг тоннадан дон етказиб бердилар.

Область ғаллакорлари ўнинчи беш йилликнинг тўрт йили мобайнида Ватан омборларига 445 минг тонна дон тўкиб, белгиланган харид қилиш ҳажмини 128 процент бажардилар. Ўн тўрт райондан ўн учтаси давлатга дон топшириш беш йиллик планини муддатидан илгари адо этди.

Ғалаба районидаги «Ўзбекистон беш йиллиги», Волков номли, «Коммунизм», Оҳангарон районидаги «Ангрен», Ворошилов номли, Жуков номли, «Оҳангарон», Бўстонлиқ районидаги «Ўжакент» совхозларининг, Оққўрғон районидаги Вотинцев номли, Навоий номли, Бўстонлиқ районидаги «Қозоғистон ССР 30 йиллиги», «Қизилтў», Коммунистик районидаги «Правда» колхозларининг ғаллакорлари юксак кўрсаткичларга эришдилар. Бу хўжаликларнинг ғаллакорлари дон етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан социалистик мажбуриятларини анча ошириб бажардилар ва суғориладиган ерларнинг ҳар гектаридан 30—40 центнердан, лалми-ерларнинг ҳар гектаридан 16—24 центнердан бошоқли экинлар донини йиғиштириб олдилар.

Калинин ва Чиноз районларининг маккажўхорикорлари ҳар гектар ердан 84—85 центнердан дон олишга эришдилар. Чиноз районидаги «Партия XXIV съезди» совхозидан А. Эрназаров, Калинин районидаги Куйбишев номли колхозидан Р. Ортиқов, Оҳангарон районидаги Ворошилов номли совхозидан Х. Абдурақимова ва С. Раҳимов номли совхозидан К. Урозбеков, Орджоникидзе районидаги «Коммунист» колхозидан Т. Шоғиёсова бошлиқ илғор комсомол-ёшлар бригадаларининг коллективлари ва бир қанча бошқа коллективлар ҳар гектар ердан 110—125 центнердан ҳақрабо дон йиғиштириб олдилар.

Область шоликорлари бу йил биринчи марта давлатга 38 минг тоннадан кўпроқ шоли топширдилар. Ўрта Чирчиқ районидаги «Северний маяк» колхозидан Р. Тиғай, Ғалаба районидаги Свердлов номли колхозидан В. Абдукаримов, Калинин номли совхозидан Д. Жиянбеков, Коммунистик районидаги «Ленинский путь» колхозидан А. Хан, Бекобод районидаги «Октябрь 46 йиллиги» совхозидан Т. Канишев бошлиқ бригадаларнинг коллективлари ва бошқа бир қанча коллективлар гектар бошига 60—76 центнердан шоли хирмони кўтардилар.

Ғаллакорлар бу муваффақиятга колхозчилар ва совхоз ишчиларининг, ғалла қабул қилиш корхоналари, транспорт ташкилотлари ходимларининг фидокорона меҳнати туфайли, областдаги партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотларининг партиянинг аграр сиёсатини амалга ошириш соҳасида олиб борган катта ташкилотчилик ва сиёсий ишлари туфайли эришдилар.

Қишлоқ меҳнаткашлари давлатга сабзавот, полиз маҳсулотлари, узум сотиш юзасидан зиммаларига олган социалистик мажбуриятларни ҳам муддатидан илгари бажардилар, чорвачилик маҳсулотлари тайёрлашни ўтган йилдагига нисбатан илдам суръатлар билан олиб бормоқдалар, кузги донли экинлар экишни ва 1980 йил ҳосили учун бошқа кузги-қишки тадбирлар комплексини ўз вақтида ва сифатли ўтказиш ишларини авж олдириб юбордилар.

Ҳозирги вақтда пахтазорларда пахта йиғим-теримини тезроқ тугаллаш ва давлатга «оқ олтин» сотиш юзасидан социалистик мажбуриятларни муддатидан аввал бажариш учун қизғин кураш олиб борилмоқда.

ОБЛАСТЬ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ҲАР ДАМ ҒАНИМАТ, ҒАИРАТ ҚИЛ ПАХТАКОР ЎРТОҚ!

Ўтган куни областимизда 10497 тонна пахта тайёрланди. Шунинг 9844 тоннаси «зангори кема»лар бункеридан тўкилди. Зафар маррасига яқинлашиб қолган Ғалаба ва Бўка районлари пахтакорлари кунлик ўсишда ҳам пешқадамлик қилишмоқда.

Бу машиналардан юксак унум билан фойдаланиш самарасидир. 24 октябрда мазкур районларда ҳар бир пахта териш машинаси билан 4,5—5 тоннадан пахта терилди.

Аммо, Янгийўл ва Пискент районларида ўтган куни мавжуд терим агрегатларидан 46—47 таси пахтазорга олиб чиқилмади. Оққўрғон, Коммунистик ва Ўрта Чирчиқ районларида машинада пахта териш суръати паст.

ҒАЛАБА РАПОРТЛАРИ

Ғалаба районида яна икки хўжалик маррага етди. Ленин номли колхоз аъзолари 1080 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 37,4 центнердан хирмон кўтариб, қабул пунктларига 4040 тонна пахта етказиб бердилар ва халқ хўжалик планини бажаришди. Ялпи ҳосилнинг 3900 тоннаси машиналарда териб олинди. Ф. Ан, С. Пай, В. Пак, Н. Кимлар бошлиқ бригадаларда ҳозирнинг ўзида гектаридан 40—43 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Хўжалик пахтакорлари давлатга яна 710 тонна «оқ олтин» сотиш ва ҳосилдорликни 44 центнерга етказиш учун курашмоқдалар.

Шу райондаги «Коммунизм» совхози пахтакорлари эса 468 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил йиғиштириб олишди. Қабул пунктларига етказиб берилган 1405 тонна пахтанинг 1130 тоннаси машиналарда терилди. Совхозда яна 300 тонна пахта тайёрлаш режаланган.

Пискент районидаги Тельман номли колхоз аъзолари ҳам ғалаба рапортига имзо чекишди. Давлатга 2800 тонна пахта сотилди. Пахтакорлар қабул пунктларига яна 600 тонна «оқ олтин» етказиб бериш мажбуриятини олишди.

Бекобод районидаги «Авангард» совхозининг Т. Жумабоев, Навоий номли колхозининг И. Ирисалиев бошлиқ бўлимлари ҳам пахта тайёрлаш планларини адо этишди.

Дастлабки довонни эгаллаган пахтакорлар зиммаларига олган мажбуриятларини Улуғ Октябрнинг 62 йиллигигача бажариш учун терим суръатини кучайтирмоқдалар.

* * *

БАЛЛИ, КАПИТАНЛАР!

С. Сегизбоев номли совхознинг механик-ҳайдовчиси Н. Атаменко Оққўрғон райони механизаторлари ўртасидаги социалистик мусобақада карвонбошилик қилаяпти. Унинг мавсум бошидан бери машинада терган пахтаси 180 тоннадан ортди. Илгор дала гвардиячиси кунига хўжалик хирмонига 4—5 тоннадан «оқ олтин» тўкмоқда. Шу совхознинг механик-ҳайдовчиси Б. Матризаевнинг терган пахтаси эса 155 тоннага етди.

Пискент райони механик-ҳайдовчилари ўртасидаги мусобақада эса 1-«Пискент» совхозининг «зангори кема» капитанлари олдинда боришяпти. Улардан М. Шоазимов ва Р. Жабборовлар 150 тоннадан пахта териб қўйишди.

ҲОРМАНГ, ОТАХОНЛАР

Бектемир шаҳри меҳнат ветеранлари бекободликлар ташаббусига қўшилиб, пахта йиғим-теримида актив иштирок этишга аҳд қилишди. Ҳозир 1919 йилдан КПСС аъзоси республика аҳамиятига молик пенсионер Ж. Остонов раҳбарлигидаги 60 отахон етиштирилган ҳосилни йиғиб-териб олишда Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзоларига яқиндан ёрдам бераётирлар. Пахтазорларда отахонлардан Т. Турдиев, Т. Сўфиев, С. Абдусолиҳов, М. Кенжаев, А. Саматов ва бошқалар олийҳиммат кўрсатмоқдалар. Отахонлар ҳозиргача 15 тонна пахта териб қўйишди.

МАРРА САРИ

Ҳ. Турсунқулов номли колхоз пахтакорлари пахта териш ва тайёрлашда Янгийўл районида илғорлар қаторида бораяпти. Айни кунларда ҳам колхозда 3 процентга етказиб пахта тайёрланмоқда. Бунда механик-ҳайдовчиларнинг ҳиссаси катта бўлаётир. Улардан Р. Тўхтаев, А. Абдурахмонов ва И. Дўсинбоевлар кунига «зангори кема»лари бункеридан 4—5 тоннадан пахта тўкишмоқда.

Хўжаликда кўпмингкилограммчилар ҳаракати ҳам кенг қулоч ёйган. З. Эралиева, И. Аширматова, З. Эргашева, С. Тўроева сингари чеварлар 100—120 килограммдан пахта териб, кўпчиликка намуна бўлмоқдалар. Улар бу йилги мавсумда хирмонга 7—8 тоннадан «оқ олтин» тўкиш мажбуриятини олишган.

Колхознинг Т. Темиров бошлиқ бригадаси аъзолари биринчи бўлиб дастлабки довондан ошдилар ва социалистик мажбуриятлари ҳисобига пахта топшираётирлар. Т. Назаров ва А. Бименовлар бошлиқ бригадалар пахтакорлари эса планни бажариш арафасида туришибди. Хўжалик меҳнаткашлари бу йил 1350 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан хирмон кўтариш учун курашмоқдалар.

Ҳ. ТЕМИРОВ.

ПАХТАКОР ВА МЕХАНИЗАТОР ЎРТОҚЛАР!

Ҳаво юришиб турган ҳозирги кунларнинг қадрига етинг. Пахта терими суръатини камайтириш учун ҳеч қандай баҳона бўлиши мумкин эмас. Барча терим техникаси далага чиқарилсин. Билагида кучи, юрагида ўти бор ҳар бир кишининг ўрни ҳозир пахтазордадир!

Ғоят мураккаб об-ҳаво шароитларида етиштирилган ҳосилни ёғин-сочинли кунларга қолдирмай тезроқ йиғиштириб олайлик. Пахта тайёрлашда пешқадамлик қилаётган ғалабалик ва бўкалик пахтакорлардан ўрнак олинг!

„Оқ олтин" хирмонига

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ЮЗАСИДАН 25 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — районлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён, тўртинчи устун — шу жумладан машинада бир кунда терилгани, бешинчи устун — мавсум бошидан буён (умумий пахта тайёрлаш ҳажмига нисбатан процент ҳисобида)

Ғалаба	2,83	95,25	4,88	94,80
Бўка	3,00	92,40	3,37	77,65
Пискент	2,17	77,01	2,43	71,39
Оққўрғон	2,23	74,49	2,51	70,86
Бекобод	2,25	73,20	2,75	56,90
Чиноз	2,49	71,21	3,01	53,25
Коммунистик	2,51	71,09	2,63	67,07
Ўрта Чирчиқ	2,60	70,95	2,69	63,84
Янгийўл	2,10	69,98	3,33	55,69
Область бўйича:	2,50	78,46	2,81	70,10

Республика областларида (мавсум бошидан бери планга нисбатан процент ҳисобида): ҚҚАССР—88,05; Бухоро—84,81; Қашқадарё—83,64; Сирдарё—79,89; Тошкент—78,46; Сурхондарё—76,51; Жиззах—68,28; Хоразм—61,78; Наманган—60,02; Фарғона—58,70; Андижон—57,19; Самарқанд—42,66. Республика бўйича—68,33.

ДЎСТОНА ВАЗИЯТДА

А. Ф. Исмоил жавоб нутқи сўзлади.

Ўртоқ А. Ф. ИСМОИЛ нутқи

(Боши 1-бетда).

Азиз ўртоқ Леонид Ильич Брежнев!

Азиз ўртоқлар!

Делегациямиз аъзолари номидан кўркам шаҳар — Москвага келган пайтимиздан бери бизга кўрсатилаётган иззат-икром учун миннатдорчилик ва ташаккур изҳор этмоқчиман. Яман социалистик партияси Марказий Комитети, демократик Яман Олий халқ кенгашининг Президиуми ва Министрлар Кенгаши номидан Сизларга ўртоқлик саломларни топшириш, сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат тилаб энг яхши истаклар билдириш, совет халқига эса янада тараққиёт, омон-эсонлик ва равнақ тилаш истагим ҳам бор.

Ўртоқ Брежнев, Сизнинг ажойиб ва муҳим нутқингизни эътибор билан тингладик. Бу нутқ дўстлик ҳамда халқларнинг мустамлакачилик ва империализмдан озод бўлиш учун, социал тараққиёт учун, бутун дунёда тинчлик ва барқарорлик учун одилона курашга нисбатан пролетар интернационализми принципларига ва идеалларига садоқат туйғулари руҳи билан суғорилган. Ўзининг миллий мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган ва янги ижтимоий ўзгартишлар йўлидан бораётган халқимиз билан бирдамлик туйғусини изҳор этганингиз учун Сизга чин кўнгилдан миннатдорчилик изҳор этиш менга мамнуният бахш этади.

Азиз ўртоқ Леонид Ильич Брежнев!

Биз ҳам сизларга нисбатан айни шундай дўстона туйғулар билан яшаб турибмиз. Яман социалистик партияси ва ўз халқи сиймосидаги демократик Яман жаҳон революцион ҳаракати стратегиясига амал қилиб, империализмга, сионизмга, ирқчиликка, эски ва янги мустамлакачиликка ва реакцияга қарши кураш, миллий озодлик ва ижтимоий тараққиёт учун, социализм таъсирининг янада ўсиши учун, ер юзида тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш учун кураш вазифаларига амал қилиб, дўст Совет Иттифоқи билан муносабатларни принципиал асосга қурмоқда. Бугун биз Москвада — дунёдаги биринчи социалистик давлат — Совет Иттифоқининг пойтахтида турганимиз ҳамда партияларимиз ва мамлакатларимиз ўртасида тажрибани бахам кўришни давом эттириш ва шунингдек дўст халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантиришнинг турли жиҳатларини муҳокама қилиш имкониятига эга эканлигимиз билан бахтиёрмиз.

Ўтган йиллар мобайнида ўртамизда олий даражада бир қанча учрашувлар бўлиб ўтди. Шунинг натижасида қурилган мустаҳкам дўстлик кўпгина империализмга ва унинг агрессив кирдикорларига қарши кураш давомида янада кўпроқ мустаҳкамланди. Бинобарин, бугун биз дўстлик ва ўртоқларча ҳамкорлик руҳида ўтадиган янги учрашувимиз дўстлигимиз негизларини кучайтириши ва мустаҳкамлашига, халқларимизнинг душманлари қаршисида бу негизларни янада метинлаштиришга тўла-тўкис аминмиз.

Кейинги йиллар мобайнида империалист ва реакцион кучлар демократик Яманга қарши психология ва пропаганда кампанияларини авж олдириб юбордилар, унинг сиёсий йўлини обрўсизлантириш мақсадида фитналар уюштирдилар, бизнинг Совет Иттифоқи билан дўстлигимиз хусусида ўйдирмалар ва туҳматлар тўқиб тарқатдилар. Биз душманларимизнинг бўҳтон даъволарига эътибор берганимиз йўқ ва бермаслигимиз керак. Биз танлаб олган дўстлик йўли тўғри йўл, бу йўл халқларимизнинг хоҳиш-иродасига ва муддаоларига муносибдир.

Биз демократик Яманда Совет Иттифоқи билан дўстлик ва ҳамкорлик билан халқли равишда фахрланамиз ва буни қадрлаймиз. Сизларнинг дўст мамлакатингиз оғир дамларда халқимизга мадад берди, ёш революцион режимимизни ҳимоя қилиш ишида астойдил ва бегараз ёрдам берди. СССР билан ЯХДР ўртасида иқтисодий, техникавий ва маданий ҳамкорлик тўғрисидаги битимларга мувофиқ демократик Яманда қишлоқ хўжалиги, саноат, маданият соҳаларида кўпгина объектлар барпо этилди. Бундан ташқари, Совет Иттифоқи ёрдамида нефть конлари қидириб топилмоқда, миллий кадрлар тайёрлаш иши олиб борилмоқда. Партиявий алоқаларимиз ривожланиб бораётганидан мамнунмиз ва бу визит мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда янги саҳифа очишига, бу муносабатларга чуқур ва ҳар тарафлама характер бахш этишига ишончимиз комил. Бизнинг ҳамкорлигимиз халқлар ўртасидаги муносабат намунасидир, зотан мен шу залда туриб Совет Иттифоқи яқинда мустақилликка эришган халқлар билан бирдамлик ва қардошликнинг муносиб намунаси бўлиб келганлиги ва шундай бўлиб қолаётганлигини қайд этмай ўта олмайман. Демократик Яман бошқа социалистик мамлакатлар билан ҳам иқтисодий ҳамкорликни ривожлантирмоқда. Биз шуни айта оламизки, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари билан муносабатларни ривожлантириш бизнинг ижтимоий тараққиёт йўлидан олға босишимиз учун қулай шарт-шароитларни яратди. Партиямизнинг фикрича, бизнинг мамлакатимизнинг Ўзаро Иқтисодий Ёрдам кенгашига кузатувчи тарикасида кириши биргаликдаги ҳамкорлигимиз учун кенг истиқболлар очади, бу эса мамлакатимиздаги революцион жараённи жадаллаштиришга хизмат қилади ҳамда иккала мамлакатимиз манфаатларига мос бўлиб тушади. Бизнинг социалистик мамлакатлар билан муносабатларимиз тенг ҳуқуқли ва адолатли шартномаларга негизланувчи халқаро иқтисодий алоқалар системасини вужудга келтириш ишидаги муҳим омил бўлди.

Демократик Яман халқи мустақилликка эришган пайтдан бери революциямиз олдида турган ва ўтмиш мустамлакачилик меросининг натижаси бўлган муаммоларни ҳал этиш йўлида кўпдан-кўп куч-ғайрат сарфлаб келмоқда. Экономикада давлат ва кооператив секторлари барпо этилди ҳамда ишлаб турибди, халқнинг илм олиш, медицина хизматидан баҳраманд бўлиш ҳуқуқи таъминланди, халқнинг турмуш даражаси ошмоқда. Мамлакатимизда сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда муҳим революцион ўзгаришлар амалга оширилди, деб айтишга ҳақлимиз. Ўз фаолиятида илмий социализм назариясига амал қилувчи Яман социалистик партияси тузилганлиги шу ўзгартишларнинг энг салмоқлиси бўлди; шунингдек меҳнаткашларнинг манфаатларини ифодаловчи сиёсий ҳокимият ўрнатилди. Биз илмий социализм назарияси асосида Яман социалистик партиясининг миллий экономикамизни юксалтиришга, меҳнаткашларнинг турмуш шароитларини яхшилашга, сиёсий ҳокимият аппаратида уларнинг ролини кучайтиришга қаратилган қарорлари ва директиваларини бажариш учун бутун кучғайратимизни сарфлаяпмиз.

Партиямиз программаси ва фаолиятида Яман халқининг илғор демократик асосдаги бирлиги масаласи муҳим ўрин олади. Биз тинчлик шароитида мана шу бирликка эришиш учун кучғайрат сарфлаяпмиз ҳамда империалист ва реакцион доиралар ундаётганидек кескинлик ва можароларнинг қайта бошланишига қарши чиқаяпмиз.

Партиямизнинг сиёсати демократик Яманда революцион ўзгартишларни амалга ошириш билангина чекланиб қолмай, умум араб ва халқаро вазиятни соғломлаштиришга, халқлар ўртасида стабиллик, хавфсизлик, тинчлик муҳитини вужудга келтиришга қўмаклашиш мақсадини ҳам кўзлайди. Арабистон ярим оролидаги, Форс кўрфазидаги, Африка Мугузи районидаги, Ҳинд океани ҳавзасидаги аҳволга келганда, давлатимизнинг қатъий сиёсати тинч-тотув яшаш ва социал тузумидан қатъий назар шу райондаги барча давлатларнинг миллий суверенитетини ҳурмат қилиш принципларига асосланади.

Биз ҳарбий блокларга ва ажнабийларнинг базаларига кескин қаршимиз, жаҳон империализми эса ана шундай блоклар ва базаларни тузишга интилмоқда. Шу муносабат билан мамлакатимиз Америка империалистларининг игвогарлик ҳаракатларини, уларнинг агрессив ниятларини ва айниқса уларнинг шу райондаги нефть конларини оккупация қилиш режаларини қаттиқ қоралайди.

Яқин Шарқдаги аҳволга келганда, демократик Яман шунга асосланадики, Исроил агрессори томонидан 1967 йилда босиб олинган барча араб ерларидан унинг қўшинларини батамом ва ҳеч сўзсиз чиқариб юбормай туриб, фаластинлик араб халқининг қонуний ҳуқуқларини, шу жумладан, унинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ва Фаластин озодлик ташкилоти раҳбарлигида ўз мустақил давлатини барпо этиш ҳуқуқини таъминламай туриб, бу ерда тинчлик ўрнатиб бўлмайди. Бизнинг мамлакатимиз Кэмп-Дэвид аҳдномаларига имзо чеккан уччада томон хомхаёл сурмоқдалар, уларнинг араб халқлари манфаатларига ва суверенитетига мутлақо зид бўлган адолатсиз битимларидан воз кечишларигина уларни шу ҳом хаёллардан фориғ қилади, деб ҳисоблаб келмоқда. Шу муносабат билан демократик Яман таслимчиликдан иборат сепарат келишувни тугатишга, Исроилнинг оккупациясини тўхтатишга ва Ливанининг жанубига қарши янги агрессия ҳаракатларига йўл қўймасликка араб мамлакатлари ўртасидаги мустаҳкам жанговар бирдамлик, уларнинг Совет Иттифоқи билан, социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатлар билан яқин ҳамкорлиги туфайли эришиш мумкинлигига аминдир.

Биз Намибия, Зимбабве, Жанубий Африка халқларининг ок танли озчилик зулмига қарши, ўзининг миллий озодлиги ва тўла мустақилликка эришиш йўлидаги курашини батамом қўллаб-қувватлаймиз.

Демократик Яман ўзининг миллий озодлиги ва бошқа халқлар билан тенг ҳуқуқлилиги учун курашаётган мазлум халқлар тарафида туриш билан бирга халқаро кескинликни юмшатиш, стратегик қуроллар билан қуролланиш пойгасини чеклаш сиёсатини ҳам қўллаб-қувватламоқда. У бутун тараққиёпарвар инсоният билан биргаликда планетамизни уруш ва вайронгарчилик дахшатларидан халос қилишга чақиради. Шу боисдан ҳам биз Совет Иттифоқининг халқаро кескинликни юмшатиш жараёнини чуқурлаштиришга қаратилган сиёсатини ҳеч сўзсиз қўллаб-қувватлаймиз. Биз СҚЧ-2 Шартномаси имзоланганлиги муносабати билан мамнуниятимизни изҳор этамиз ва Совет Иттифоқининг СҚЧ-3 Шартномасини тайёрлаш йўлида сарфлаётган куч-ғайратларига астойдил муваффақият тилаймиз. Биз ер юзида тинчликка интилаётган халқларимиз номидан АҚШнинг ҳам ана шундай амалий йўлдан боришини талаб қиламиз. Бу—тинчликка олиб борадиган, ҳозирги пайтда қуролланиш пойгасига сарфланаётган маблағлар халқлар фароғатига, уларнинг моддий ва маданий тараққиётига сарфланишига олиб борадиган бирдан-бир йўлдир. Совет Иттифоқининг Марказий Европадаги ўз қўшинларини қисқартириш тўғрисидаги қарори бизнинг мамуниятимиз ва ҳурматимизни айниқса оширди. Бизнинг назаримизда бу тадбир Совет Иттифоқи тинчликсеварлик сиёсатининг, Европани ва у билан бирга бутун дунёни ҳам янги жаҳон уруши хавф-хатаридан халос қилиш йўлидаги астойдил истагининг яна бир ёрқин исботидир. Биз НАТОга аъзо бўлган давлатларга мурожаат қилиб, уларни Совет Иттифоқидан ҳеч иккиланмай ибрат олишга чақирамиз. Шу муносабат билан мен ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг кескинликни юмшатиш жараёнини чуқурлаштириш, халқаро тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш йўлида сарфлаётган куч-ғайратлари демократик Яманда юксак қадрланаётганини айтиб ўтмоқчиман.

Яна бир неча кундан кейин дўст Совет Иттифоқи халқи, бутун тараққиёпарвар инсоният Улуғ Октябрь Социалистик Революциясининг 62 йиллигини, тарихда биринчи социалистик давлат барпо этилган айёмни, капитализм инқирозга учраб, инсоният социализмга ўта бошлаган кунни нишонлайдилар. Ўша пайтдан бошлаб Совет Иттифоқи социализм қуриш ва миллатлар ўртасида қардошлик муносабатларини йўлга қўйиш, империалистик агрессияни даф қилиш, бутун дунёда тинчлик негизларини мустаҳкамлашдек жуда мураккаб вазифаларни ҳал этишгина қолмай, шу билан айни бир вақтда у бутун инсониятнинг озодлик, адолат, тенглик ва социализм йўлидаги курашида унинг йўлини ёритиб берувчи янги қоялларнинг тарқалиш маркази ҳам бўлиб қолди. Мана бугунга келиб, Улуғ Октябрь Социалистик Революциясидан кейин атиги бир неча ўн йил ўтгач, дунёда туб ўзгаришлар содир бўлди. Кўпгина мамлакатларда социализм ғалаба қилди, жаҳон социалистик системаси ташкил топди. Кўпгина халқлар мустамлакачилик ва империализм зулмидан халос бўлиб, озодлик ва тараққиёт йўлига ўтиб олдилар.

Сизларни Улуғ Октябрь Социалистик Революциясининг 62 йиллиги муносабати билан Яман социалистик партияси Марказий Комитети ва барча яманлик меҳнаткашлар номидан астойдил табриклашга ижозат бергайсизлар. Шу мавридан фойдаланиб, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига ва совет халқига ривожланган социализм қурилиши ишида янгидан-янги муваффақиятлар тиламоқчиман.

Сизнинг сиҳат-саломатлигингиз ва бахт-саодатингиз учун, шу ерда ҳозир бўлган барча Совет Иттифоқилик ўртоқларнинг сиҳат-саломатлиги учун қадаҳ кўтаришга ижозат бергайсизлар. ЯСП билан ҚПСС ўртасидаги мустаҳкам муносабатлар учун! Яман ва совет халқлари ўртасидаги дўстлик ҳамда ҳамкорлик учун! Илмий социализм ва пролетар интернационализми учун!

* * *

Л. И. Брежнев ва А. Ф. Исмоил ўртоқларнинг нутқлари зўр эътибор билан тингланди ва давомли қарсаклар билан қайта-қайта бўлиниб турди.

Зиёфат самимий, дўстона вазиятда ўтди. (ТАСС).

ҚАДИМИЙ САНЪАТНИНГ ЯНГИ САҲИФАСИ

ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ ҚУҒИРЧОҚ ТЕАТРЛАРИ ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛИНИНГ ТОШКЕНТДА ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШИ

Қўғирчоқ ва қўғирчоқ театрлари қачон пайдо бўлган деган саволга кишилар улар азалдан бор, деб жавоб қайтаришлари тасодифий эмас. Ҳақиқатан ҳам улар жуда қадимдан мавжуд. Қўғирчоқ антик трагедияларда, сўнгра ўрта асрлар диний мавзуларда ёзилган драмаларда иштирок этди ва ниҳоят қўғирчоқбознинг пардаси узра кўтарилди. Артистлар ўзларининг оддий театри билан турли мамлакатларнинг йўлларида дайдиб юрдилар, лекин уларнинг тақдирлари бир-бирига ҳайрон қоларли даражада ўхшаш эди: қўғирчоқбозлар ўзларининг қўғирчоқлари билан оддий халқ норозилигининг букилмас руҳини ифода этганликлари учун қонун олдида уларнинг ҳаммаси бирдай қораланарди. Уларнинг халқ вужудга келтирган санъати халқнинг ўзига керак эди. Бу санъат халққа бардамлик, яхши келажакка ишонч бахш этарди. Ер юзининг турли томонларида кўп асрлардан буён яшаб келаётган ва бир-бирига жуда ўхшаш бўлган қўғирчоқ томошаларининг қаҳрамонлари — ўз халқининг энг яхши фазилатларини ифода этувчи русларнинг Петрушкасини, ўзбекларнинг Качалповонини, ҳиндларнинг Панчини, озарбайжонларнинг Қорагўзини, Французларнинг Полишинелини халқ шуқадар севишининг боиси ҳам мана шунда.

Қўғирчоқ театри — фарзандларимиз борадиган биринчи театрдир. Шинам зallар, радио ва ёритиш аппаратлари, махсус маълумот олган қўғирчоқбоз артистлар, бугунги кунда номлари ўз мамлакатларидан ҳам олисда машҳур бўлган рассомлар, режиссёрлар кичкинтой томошабинларни кутмоқдалар. Қадимий ва абадий навқирон қўғирчоқлар анъанавий парда орқасидан кўтарилиб, жажжи томошабинларни санъат оламига етаклайдилар, эзгуликни қадрлашга, ёмонликка қарши курашишга ўргатадилар...

Ҳозирги пайтда Тошкентда ана шу кўҳна санъатнинг янги саҳифаси битилмоқда. Рассомнинг мўйқалами билан яратилган ва бошига ўзбек дўпписини кийиб олган қўғирчоқ Алишер Навоий номли опера ва балет театрини безаб турибди. Бу ерда 25 октябрь куни Осиё мамлакатлари қўғирчоқ театрлари Тошкент халқаро фестивалининг тантанали очилиш маросими бўлди.

Осиё мамлакатлари қўғирчоқ театрлари Тошкент халқаро фестивалига тайёргарлик кўрувчи ва уни ўтказувчи ташкилот комитетининг раиси, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари Р. Ҳ. Абдуллаева Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Республика ҳукумати номидан фестивалнинг барча қатнашчилари ва меҳмонларини самимий табриклади.

Осиё халқлари ғоят бой ва қадимий маданиятга, чуқур ва ёрқин анъаналарга эга бўлиб, қўғирчоқ санъати ана шу халқлар бадиий меросининг таркибий қисмидир, деди Р. Ҳ. Абдуллаева. Тошкент фестивали бу қадар зўр қизиқиш уйғотганлигининг боиси ҳам мана шундадир. Бу фестиваль қўғирчоқ театрининг арбоблари ана шу анъанавий санъат турини янгилаш, унинг кишилар онги ва қалбига таъсир ўтказишдаги ролини кучайтириш вазифасини қандай қилиб ва қайси йўллар билан ҳал этаётганликларини кўрсатади.

Фестиваль унинг қатнашчиларига иш тажрибасини бир-бири билан ўзаро алмашиш, ҳозирги замон қўғирчоқ театрининг актуал проблемаларини ва уни ривожлантириш йўлларини муҳокама қилиш имконини беради.

Тошкент анжумани яна бир шонли воқеа — қўғирчоқ театрлари арбоблари халқаро иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллиги билан бир вақтга тўғри келди. Бу халқаро иттифоқ ўзи ташкил этилгандан буён ўтган вақт ичида ана шу санъат олижаноб инсонпарварлик ва демократия ғояларига хизмат қилмоғи учун бутун дунёдаги қўғирчоқбоз артистларни бирлаштириш йўлида кўпгина ишлар қилди.

Тошкентдаги учрашувда Афғонистон, Бангладеш, Вьетнам, Ҳиндистон, Монголия, Таиланд, Туркия, Шри Ланка, Япония маданият арбоблари, санъат усталари, режиссёрлари, артистлари, ўн беш қардош совет республикалари, Москва, Ленинград қўғирчоқ театри санъати арбоблари йиғилдилар. Осиё мамлакатларининг санъати билан танишмоқ учун Болгария, Венгрия, Германия Демократик Республикаси, Польша, Чехословакиядан меҳмонлар келишди.

Қўғирчоқ театри арбоблари халқаро иттифоқи (УНИМА)нинг президенти СССР халқ артисти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони С. В. Образцов бу иттифоқни дунёдаги энг эзгу ташкилотлардан бири деб атади. Чунки қўғирчоқбоз артистларнинг кўпчилиги болалар учун ўйнайди. Ўзини шунга бағишлаган киши яхши одам бўлмаслиги мумкин эмас, акс ҳолда унинг санъатини болалар асло тушунолмайди.

Мамлакатларимизни бир-бирларидан минтлаб километр масофа ажратиб турган бўлсада, Тошкентдаги Халқаро фестиваль туфайли биз учун ўртада масофа йўқ — ҳаммамиз битта катта онла, ажойиб санъат вакиллари оиласимиз, — деди фестивалнинг тантанали очилиш маросимида УНИМАнинг Ҳиндистондан келган вице-президенти Мехер Контрактор хоним. У Ўзбекистонда бўлишни ҳамиша орзу қилиб келганлиги тўғрисида, бу юрт ҳақида болалигидаёқ кўпгина китоблардан ўқиб билганлари, санъат усталарининг шундай ижодий учрашувини орзу қилганлиги тўғрисида гапирди.

СССР Маданият министрининг биринчи ўринбосари Ю. Я. Барбаш ўз нутқида мамлакатимизда театр санъатига нақадар зўр эътибор берилаётганлиги ва бу санъат ҳақида қандай гамхўрликлар қилинаётганлиги тўғрисида гапирди. У фестивали қадимги ва тоабад навқирон санъатнинг катта байрами деб атади. Бу санъат ўтмишнинг бой анъаналаридан фойдаланган ҳолда бугунги кунда ёш гражданларни тарбиялашда, замонавий муаммоларни ҳал этишда кўмак бермоқда.

...Кўҳна ва ёш, болага ҳам, кексага ҳам қувонч бахш этувчи санъат, Осиё қитъасидаги турли мамлакатлар вакилларининг санъати ўз тарихида янги бир саҳифа очди.

(ЎзТАГ).

КАДРЛАРГА ТАЛАБЧАН БЎЛАЙЛИК

Харидорлар талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш мақсадида уюштирилган дастлабки конференция ва савдо кўргазмалари яхши натижа берган эди. Ишдаги бу услуб кейинчалик савдода муқим бўлиб қолди. Ҳисобот даврида 8 марта харидорлар конференцияси бўлиб, зарур мавзуларда юзма-юз суҳбатлашиб олинди. 11 марта савдо кўргазмаси уюштирилди. Газмоллар, тикув буюмлари хили ва сифати бўйича харидорлар фикрини сўраб 6 марта анкета тарқатилди.

Кўрилган тадбирлар кутилганидан ҳам яхши самара берди. Савдо қилинаётган тикув буюмлари хили кўпайди, харидорлар дидига мос тушадиган рангдор газмоллар пайдо бўлди. Ҳамма ҳурсанд эди. Ҳар ким ўзига ёққан буюмни харид қилиб магазинлардан мамнун чиқиб кетар эди.

Шу йилнинг ўтган ойларида «Таштекстильшвейторг» магазинларида 62 миллион сўмликдан кўпроқ савдо қилинди. Бу планда белгиланганидан 773 минг сўмлик кўп демакдир. Имкониятлар ҳисоблаб чиқилиб, социалистик мажбуриятга қўшимча равишда яна 300 минг сўмлик савдо қилишга сўз берилди. Бу ваъда ўтган ойларда 473 минг сўмлик қилиб бажарилди.

План бўлими ходимлари натижаларни ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қиёслаб чиқдилар. 4 миллион 338 минг сўмлик газмол ва кийим-кечаклар кўп сотилибди. Бу ютуққа савдонинг прогрессив усулларини кенг қўллаётган 8, 10, 14, 15-магазинларнинг коллективлари айниқса катта ҳисса қўшдилар. Илғор савдо шохобчаларида йилнинг дастлабки кунлариданоқ план бир маромда бажариб келинмоқда.

Аксарият магазинларда харидорларга хизматнинг илғор усуллари кўрсатиляпти. Ҳозир умумий товар оборотидаги буюмларнинг 80 процентдан кўпроғи ўз-ўзига хизмат кўрсатадиган магазинлар орқали савдо қилинмоқда. Уч ва ундан ортиқ ўринли магазинларнинг ҳаммаси контроль-касса аппаратлари билан жиҳозланган. Бу тартиб бир томондан камоматларга чек қўйса, иккинчи томондан кадрлар масъулиятини оширмоқда.

Торг партия ташкилоти кадрларни танлаш, тарбиялашга алоҳида эътибор бераяпти. Ҳозир 114 киши олий, 495 киши эса ўрта махсус маълумотга эгадир. КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори асосида савдо ташкилотида бир катор муҳим тадбирлар амалга оширилди. Коммунистлар ва комсомоллар ҳисобига кадрлар сафини кенгайтиришга эътибор кучайди. Ғоявий-сиёсий ишларнинг комплекс планида кадрларни сиёсий, меҳнат ва ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга катта ўрин берилди.

Савдо шохобчаларида меҳнат қилаётган ёшларнинг кўпчилиги махсус ўқув юртларини тамомлаб келишган. Иш давомида улар маҳоратини янада ошириш мақсадида йиллик стажировкалар ташкил қилинмоқда.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

Бундан ташқари мураббийлик ҳаракати ҳам кенг қулоч ёймоқда. Торг бўйича ҳозир 18 та комсомол-ёшлар бригадаси ишлаб турибди. Бундан ташқари 6 та комсомол-ёшлар магазини ҳам бор. Уларда меҳнат қилаётган ёшлар харидорларга кўрсатиладиган савдо хизматини янада юксалтириш кафолатини олишган. Айниқса бу соҳада 53-магазин коллективи эришаётган ютуқлар мақтовга лойиқдир.

Ёш мутахассислар Совети тарбиявий ишнинг турли формаларини излаб топяпти. Ҳозир 75 мураббийга 184 ёш савдо ходими бириктириб қўйилган. Мураббийлардан 32 киши Совет савдоси аълочисидир. Улар катта амалий тажрибага эгадирлар. Мураббийлар ёшларда касбга муҳаббат уйғотмоқдалар, иш вақтидан унумли фойдаланишга даъват этмоқдалар. Мураббийлар бурчагида бўлаётган суҳбатларда илғор тажрибалар оммалаштирилмоқда.

«Таштекстильшвейторг» партия ташкилоти ҳисобидаги 101 коммунистнинг аксарияти бевосита эл хизматини бажо келтираяпти. Ҳисобот даврида илғор комсомоллардан 7 киши партия аъзолигига кандидатликка қабул қилинди. Коммунистларнинг барчаси доимий ва мавсумий топшириққа эга. Улар зиммаларидаги вазифани аъло даражада бажариб, бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

— Савдо хизматини янада яхшилаш соҳасида ҳали кўп ишларни қилишимиз керак—деди «Таштекстильшвейторг» коммунистларининг ҳисобот-сайлов йиғилишида доклад қилган партбюро секретари Ф. А. Эгамбердиев.— Ишни талаб даражасида ташкил этмоқ учун энг аввало кадрларга нисбатан талабчанликни ошириш керак. Кўпгина магазинларда партиявий таъсирнинг сустлиги натижасида ишда жиддий нуқсонлар лаёқатсизлик рўй бермоқда, товар обороти планлари бажарилмай қолаяпти, моллар тўла реализация қилинмаяпти.

Совет савдоси қонунларини бузиш ҳоллари ҳам рўй беряпти. 27-магазин инвентаризация қилинганида Губенко мудирлик қилаётган секциядан камомат чиқди. Шундай кўнгилсиз ҳол 36-магазининг Муракаева мудирлик қилаётган секциясида ҳам содир бўлди. Магазин мудирлари ва директорлари савдо ходимларига нисбатан талабчанликни бўшаштириб юборганликлари, ишни назорат қилиб бормаётганликлари учун ҳам шундай камчиликлар келиб чиқяпти.

Музокарада сўзга чиққан коммунистлар ҳисобот доғладини яна ҳам тўлдирдилар. 7-магазин партия группасининг ташкилотчиси Д. Азимова байрамолди социалистик мусобақасида коммунистлар эришаётган ютуқлар тўғрисида гапирди. 8-магазин партия группасининг ташкилотчиси С. Рафиқова эътиборни ишлаги нуқсонларга қаратди. Магазининг тикувчилик буюмлари бўлимида тўққиз ойлик товар обороти плани бажарилмай қолди. Секция мудири М. Икромова эса бундай ҳол билан келишиб келмоқда. Ҳар бир киши ўз вазифасини сидқидилдан бажарса, бундай камчиликлар содир бўлмас эди. 74-магазин сотувчиси И. Безранцев, 43-магазин сотувчиси М. Абдураҳмонова ҳам шу хил фикрларни ўртага ташладилар.

Йиғилишда савдони намунали ташкил этиш ва хизмат маданиятини ошириш, топширилган иш учун кадрлар масъулиятини ўстириш, коллектив ўртасида олиб борилаётган оммавий-сиёсий ишларни янада кучайтиришга қаратилган қарор қабул қилинди.

Я. САЛИМОВ.

СОВЕТ-ЖАНУБИЙ ЯМАН МУЗОКАРАЛАРИ ТУГАДИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали Д. Ф. Устинов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми раисининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев билан Яман социалистик партияси (ЯСП) Марказий Комитетининг Бош секретари, Яман Халқ Демократик Республикаси Олий халқ кенгаши Президиумининг Раиси Абдил Фаттоҳ Исмоил, ЯСП Марказий Комитети сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Муҳаммад Солиҳ Мутийа, ЯСП Марказий Комитети сиёсий бюросининг аъзоси, ЯХДР Балиқ ресурслари министри Анис Ҳасан Яҳё, ЯСП Марказий Комитети сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, ЯХДР Ташқи ишлар министри Салим Солиҳ Муҳаммад, ЯСП Марказий Комитети сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, ЯХДР Мудофаа министри Али Аҳмад Носир Антар ўртасидаги музокаралар 25 октябрь куни Кремлда ниҳоясига етди.

Совет-Жанубий Яман муносабатларини янада ривожлантириш масалалари юзасидан ва актуал халқаро проблемалар, шу жумладан Яқин Шарқдаги, Форс кўрфази, Қизил денгиз ва Ҳинд океани районларидаги аҳвол юзасидан фикрлашиб олиш давом эттирилди.

Томонлар ҳар икки мамлакат халқларининг манфаатлари йўлида КПСС билан ЯСП ўртасидаги алоқаларнинг, Совет Иттифоқи билан ЯХДР ўртасидаги муносабатларнинг яхши ривожланаётганлигидан ва янада мустаҳкамланиш истиқболларидан мамнун эканликларини изҳор этдилар.

Абдил Фаттоҳ Исмоил ўзига, Совет Иттифоқига келиш имконияти берилганлиги учун КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюросига самимий миннатдорчилик изҳор этди, бу таклифни Совет Иттифоқи билан ЯХДР ўртасида мавжуд чуқур дўстлик ва ҳамкорлик ҳислларининг намоён бўлиши деб ҳисоблади.

А. Ф. Исмоил Яман социалистик партияси раҳбарлигида мамлакатда амалга оширилаётган социал-иқтисодий ислоҳотлар тўғрисида ва актуал халқаро проблемалар юзасидан ЯХДРнинг тутган позицияси ҳақида совет раҳбарларига батафсил ахборот берди. Республикамиз ўз тараққиёти йўлида, дейди А. Ф. Исмоил, қийинчиликларга дуч келмоқда, бу қийинчиликлар аввало империализм ва араб реакциясининг душманчилик найранглари сабабли рўй бераётганлигидан ва янада мустаҳкамланиш истиқболларидан мамнун эканликларини изҳор этдилар.

Абдил Фаттоҳ Исмоил ўзига, Совет Иттифоқига келиш имконияти берилганлиги учун КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюросига самимий миннатдорчилик изҳор этди, бу таклифни Совет Иттифоқи билан ЯХДР ўртасида мавжуд чуқур дўстлик ва ҳамкорлик ҳислларининг намоён бўлиши деб ҳисоблади.

А. Ф. Исмоил Яман социалистик партияси раҳбарлигида мамлакатда амалга оширилаётган социал-иқтисодий ислоҳотлар тўғрисида ва актуал халқаро проблемалар юзасидан ЯХДРнинг тутган позицияси ҳақида совет раҳбарларига батафсил ахборот берди. Республикамиз ўз тараққиёти йўлида, дейди А. Ф. Исмоил, қийинчиликларга дуч келмоқда, бу қийинчиликлар аввало империализм ва араб реакциясининг душманчилик найранглари сабабли рўй бер

Бекобод районидаги А. Мавлонов номли совхознинг Ш. Қўзибоев бошлиқ бригадаси пахтакорлари бу йил 81 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил олиш учун курашяптилар. Бригада етакчисининг ўзи ҳам ҳозир «зангори кема»си билан пахтазорда жавлон ураяпти. У 200 тонна пахта териш мажбуриятини олган. Суратда Ш. Қўзибоев.

М. Қорабеков фотоси.

РАҲМАТ, ҲАШАРЧИЛАР

Санда ўйларди: деҳқон меҳнатига тасанно. Азаматлар бу ҳосилни етиштиргунча роса тер тўкишди, қийинчиликларни енгишди. Далага, атрофга боқиб кўзинг қувнайди, дилинг яйрайди. Пахталар чамандек очилиб турибди.

«Оқ олтин»: қандай жарангли сўз! Юртимиз бойлиги бўлган бу пахтанинг бир граммини ҳам нобуд қилмай териб олиш, бунга биз ҳам муносиб ҳисса қўшишимиз керак.

— Ҳа, дугонажон, — деди Зоҳира,— бунча ўйланиб қолдингиз? Илҳом келдими дейман-а.

...Санда Ғаниева шоир табиат қиз. У 10-синфни аъло баҳолар билан битирди.

— Уқишни давом эттирасанми? — дейишди уйидагилар.

— Йўқ. Аввал ишлайман, — деди у.

Заргарлик заводида меҳнат қила бошлади. Интизомлилиги, одоблилиги билан коллектив ҳурматини қозонди.

Октябрь ойининг бошлари эди. Завод комсомол-ёшлари биз ҳам далага чиқамиз, пахтакорларга мададкор бўламиз, деб ташаббус бошлашди. Санда Ғаниева ташаббускорлар сафига қўшилди.

Бир группа йигит-қизлар Бўка районидаги Мичурин номли колхозга отландилар. Мана улар бир неча кундирки, бу ерда пахта тершяпти.

Дугонасининг ҳазилмуз сўзлари унинг ҳаёлини бўлди.

— Пахтазорга қарагин, ўртоқжон,—деди у.—Кечаги пайкалларда бугун яна кўсак бодроқдек очилиб ётибди. Буларни кўриб, албатта, илҳомнинг келадида, деди кулиб.

— Ҳа, майли, ҳазилни қўй, — деди Зоҳира. — Қанча пахта тердинг?

— Мана бу этакдагини топширсам 50 килограммга етиб қолса керак.

— Барибир менга етолмас экансан!

— Бугун бўлмаса, эртага барибир сенга етаман, — деди Санда.

Икки дугона ишга киришиб кетдилар.

Бўка районидаги бу илғор колхознинг деҳқонлари айни кунларда социалистик мажбурият ҳисобига «оқ олтин» топширмоқдалар. Бунда шаҳарлик мададкорларнинг ҳам ҳиссаси баракали бўляпти. Бу ерда Тошкент шаҳридаги турли корхона ва ташкилотлардан келган жуда кўп ёрдамчилар меҳнат қилишмоқда.

— Бизнинг коллективимиздан, — дейди заргарлик заводи цех бошлиғи, ҳашарчилар раҳбари Юсуп Мусаев—52 киши 13 октябрдан буён бу ерда меҳнат қилмоқда. Ҳозиргача 13 тоннага яқин пахта териб топширдик. Кунига 1,5—2 тоннадан хирмон уймоқдамиз. Дастлабки кунлари теримчиларимизнинг ҳар бири ўрта ҳисобда 50—60 килограммдан пахта теришган эди. Ҳозир эса кундалик кўрсаткич 40—45 килограммданга тўғри келмоқда.

Юсуп ака завод комсомолёшлари ўртасида бошланган ўзаро социалистик мусобақада пешқадамлик қилаётган ёшлар Зоҳира Султонова, Улуғбек Абдумуталов, Арофат Гулаҳмедова, Санда Ғаниева, Ҳасан Салимжонов каби чеварларнинг номларини алоҳида ҳурмат билан тилга олди. Улар кунига ўртача 60—70 килограммдан «оқ олтин» теришмоқда.

Заводнинг кўп минг килограммчи чевар теримчилари билан суҳбатлашдик.

— Халқимизда, — дейди Санда Ғаниева, — яхши дам меҳнатга ҳамдам деган нақл бор. Колхоз правленисига раҳмат. Бу ерда бизлар учун барча шарт-шароит яратиб берилмоқда. Ишдан сўнг яхши ҳордиқ чиқармоқдамиз. Ҳонамиз шинам. Иссиқ овқат ўз вақтида тайёрлаб берилмоқда. Шахмат-шашка, домино ўйнаймиз. Газета ва журналларнинг янги сонлари келтириб турилади. Биз умумли меҳнат қилишга ҳаракат қилмоқдамиз. Тошкент шаҳридаги «Зангори экран» ҳизматчиклари билан мусобақадошмиз.

Далаларни айланган киши пахтакорлар билан елкамаелка туриб, дур-жавоҳир тераётган ҳашарчилар, шаҳарлик мададкорларнинг ғайрат-шижоатига қойил қолади, албатта. Раҳмат сизга шаҳарлик аламатлар!

Н. РИХСИЕВ.

ЯНГИ МАРРА: 45 ЦЕНТНЕР

Далаларимизда бу йил мўл ҳосил етиштирилди. Дастлабки кунданоқ ўзаро мусобақани авж олдириб юбордик. Бу табиий, албатта. Чунки ўтган йили хўжалигимиз планни бажараолмай, доғда қолган эди. Бу йил ўша доғни ювиш — ҳар бир бригада, ҳар бир звенода пахтадан ўлкан хирмон уюшни дилга жо қилган ҳолда тер тўкдик. Шунинг учун ҳам меҳнат натижалари қувончли бўлди.

Ҳосилнинг чўтини чамалаб кўрган деҳқонларимиз 32,3 ўрнига гектаридан кам деганда 37 центнердан пахта топширамиз. 4440 тонна «оқ олтин» тайёрлаймиз, деб аҳд қилдилар. Ана шу аҳдга яраша иш борянти.

КПСС Марказий Комитети Октябрь Чақириқларидан руҳланган механик-ҳайдовчилар, чевар теримчилар, Оҳангарон, Бўстонлиқ ва бошқа районлардан келган мададкорлар — ҳамма-ҳамма хирмонимизга барака киритиш учун жон қуйдирмоқда.

Шу туфайли маррага тобора яқинлашмоқдамиз. Ҳозиргача терилган пахтамизнинг 2500 тоннаси «зангори кема» бункерларидан тўкилди. Хўжалигимиз пахта тайёрлаш бўйича район хўжаликлари ўртасида учинчи ўринда борянти. Бунда колхозимизнинг Убайдулла Отабоев, маррага етай деб қолган Холиқул Ҳаимов, Кўчали Ҳафизов ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг ҳиссаси катта. Мазкур бригадаларда ҳозиргача гектаридан 26—27 центнердан ҳосил йиғиб олинди.

Бригадамиз юқори кўрсаткичларга эришиш учун ҳаракат қилмоқдамиз. Йил бошида ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил оламиз, давлатга 303 ўрнига 360 тонна пахта сотамиз, деб ният қилган эдик. Яхши ният йўлдошимиз бўлди, далаларимизда мўлҳосил тўпланди. Механик-ҳайдовчиларимиз, теримчиларимиз ғанимат кунлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилдилар. Ҳар гектар ердан 34 центнердан ҳосил йиғиб олиб, дастлабки маррани эгалладик. Давлат омборига 306 тоннадан ортиқ «оқ олтин» топширилди.

Абди Саъдуллаев, Гулали Сайфиддинов каби механизаторларимизнинг ғайрат-шижоатига, жасоратига, ҳамма қойил қолмоқда. Улар машина терими учун ажратилган пайкалларни тайёрлашда, гўзани сифатли дефолиация қилишда актив қатнашган эдилар. Теримни бошлашдан олдин агрегатларини ишга пухта созладилар, ўз зиммаларига конкрет ва оширилган мажбуриятлар олдилар. Вақтдан, техникадан моҳирлик билан, оқилона фойдаландилар. Шунинг учун ҳам хирмонга барака киритдилар. Улар шу кунгача бункерлардан 150—160 тоннадан пахта тўкдилар.

Бригадамизда кўп минг килограммчи теримчилар мусобақаси ҳам авж олдирилди. Камолат Шерматова, Қурбонгул Ҳолбоева, Анорҳон Норматова, Саодат Нурматова, Баҳри Шерматова каби чеварлар кунига 150—160 килограммга етказиб пахта термоқдалар. Улар мавсумда кам деганда 10—12 тоннадан «оқ олтин» териб топширишга аҳд қилганлар.

Дастлабки довондан ошдик. Лекин ҳали далаларимизда ҳосил мўл. Биз ана шуни ҳисобга олиб, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 62 йиллиги шарафига бошланиб кетган умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб, янги мажбурият олдик: гектаридан 45 центнердан дурдона топширишга аҳд қилдик. Бунинг учун имконият бор. Дала ишларини қатъий график асосида ташкил этганмиз. Теримчиларга барча маданий-маиший шароитлар яратиб берилган. Ҳар беш кунда ўзаро социалистик мусобақага якун ясаб турмоқдамиз. Дала шийпони — пахтакорларнинг иккинчи уйи ҳисобланади. Бу ерда уларнинг яхши дам олишлари учун барча шароит мавжуд. Кўрсаткич тахталарида кимнинг қандай ишлаётганлиги, механизаторларнинг иш унуми акс эттириб борилади. Хирмонимиз кун сайин юксалиб бораяпти. Элга берган ваъдамизни сўзсиз бажариш учун, етиштирилган ҳосилни ёғин-сочинли кунларга қолдирмай йиғиб-теріб олиш учун ҳамма имкониятни ишга соламиз.

А. НУРМАТОВ,
Оққўрғон районидаги Ҳамид Олимжон номли колхознинг бригада бошлиғи.

ИЛҒОР ПАХТАКОРЛАР МИНБАРИ



Ғалаба районидаги Калинин номли совхоз шоликорлари ҳосил ўрим-йиғимини қизғин олиб бораётирлар. Суратда: Н. Пак бошлиқ бригадада шоли ўрими пайти. Комбайнчилар Й. Сандазимов ва Р. Норхўжаевлар 210 тоннадан шолини ўриш ва янчиш учун аҳд қилишган.

А. Абалян фотоси.

НАВБАТ МАЖБУРИЯТГА

Пискент районининг пахтакорлари 44 минг тоннаник «оқ олтин» хирмони учун курашмоқдалар. Далаларда «зангори кема»ларнинг наъраси тинмайди. Пахтакорлар кузнинг ёғинсочинли кунларига қолмай барча ҳосилни теріб олиш ниятида бутун куч ва ғайратларини ишга солмоқдалар.

Район саноат корхоналари, турли муассасаларнинг ходимлари йиғим-теримда яқиндан ёрдам беришяпти. Натижада ҳар куни кўплаб бригадалар пахта планларини бажарганликлари ҳақида рапорт бермоқдалар.

1-«Пискент» совхозининг 6-бўлимидаги Эгамқул Қораев бошлиқ бригада аҳли 246 тонна пахтани хирмонга топшириб йиллик планни муддатидан илгари адо этди. Бу илғор бригада аъзолари ҳар гектар ердан 40 центнердан пахта олишга азму-қарор қилишган. «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг Абдуғани Нишонов раҳбарлик қилган бригада азаматлари ҳам маррага етиб келдилар. Илғор коллектив шу кунгача 350 тоннага яқин «оқ олтин» териб олди. Бригада пахтакорларининг мақсади ҳосилдорликни 40 центнерга етказишдир.

Б. СОЛИҲОВ.

БОҒ ВА ТОКЗОРЛАР СЕРҲОСИЛ БЎЛСИН

СЕРҚУЕШ республикамиз мевали боғ ва токзорларининг 20 процентдан кўпроғи пойтахт область хўжаликларида жойлашган. Ҳар йили Москва, Ленинград шаҳарлари, Урал, Узоқ Шарқ ўлкалари ва БАМ қурилишларига кўплаб шириншакар узум ва мева юборилади.

Мева ва узумдан муттасил мўл ҳосил етиштираётган хўжаликлар сафи кенгайиб бораётир. Масалан, Тошкент районидаги «Ленин йўли» колхозининг 150 гектар токзори бир ерга жойлашган. Бригадага 70 баҳорни кўрган тажрибали соҳибкор Худойназар ота Умаров бошчилик қилади. Токзорларда Ҳусайни, Нимранг, Пушти Тойфи, Қора кишмиш, Қизил Ҳурмоий, Победа, Баён Ширей, Ркацители, Саперави каби узум навлари нормал схемада экилган. Механизациядан тўлиқ фойдаланишни кўзда тутиб ҳамма ток туплари 4—5 қатор сим торқилган симбағазларга кўтарилиб ўстирилмоқда. Карталар орасидаги йўлларда узум аллеялари ташкил қилинган.

Ердан 6 метр баланд кўтариб ўстирилган ток туплари да новдалар ҳар йили сархил, узум бошлари эса рангдор ва мазали бўлиб етилади. Ҳусайни, Нимранг, Пушти Тойфи узум бошларини келгуси йил май ойигача махсус хоналарда сифатини йўқотмай сақлаш мумкин. Токларни ўз вақтида яхши парвариш қилиш натижасида ҳар йили узумдан мўл ҳосил етиштирилмоқда. Неча йилдан бери ҳосилга кирган токзорнинг гектаридан ўртача 150—180 центнерга етказиб сифатли ҳосил олинмоқда.

Бу хўжаликда токчиликни ихтисослаштириш соҳасида ибратли ишлар қилинмоқда. Бригадада токни кирқиш ишига алоҳида аҳамият берилади. Ҳақиқатда ҳам келгуси йил мўл ҳосил олиш куз фаслида ўтказиладиган муҳим ишларга боғлиқдир. Шу кунларда токзорларда кечки нав узум ҳосилини йиғиштириш билан бирга токларни кесиш ишига киришилган. Ток туплари да саноқли новдалар, новдаларда эса керакли миқдорда кўз қолдирилади. Худойназар ота мўл ҳосил етиштиришда сўрхил новдаларни чиниқтириб етиштиришга катта аҳамият беради. Бундай новда совуққа чидамли бўлади, кишдан яхши чиқади ва шу йили етиштирилаётган узум бошлари йирик ва ғужумлари яхши тўлишиб етилади.

Колхоз соҳибкорларининг ҳар йили узумдан мўл ҳосил олишларига ёрдам бераётган тадбирдан бири шуки, ҳар гектар ерга 2 йилда бир марта 6—8 тоннадан қўй қийини 90—100 килограмм соф фосфор, 40—50 килограмм соф калийга омухта қилиб ток қатор орасига куз фаслида солинади.

Октябрь ойининг бошларида шу колхоз бригадасида ток қирқиш бўйича кўпчилик колхоз соҳибкорларининг семинари бўлиб ўтди. Район соҳибкорлари ток қирқишда кўп нарсаларни ўрганишди ва ҳозир илғор тажрибаларни ўз токзорларида қўлламоқдалар. Масалан, «Ленин йўли» колхози соҳибкорлари хўраки узум нави туплари да 150—180 тагача кўз қолдириб, ишкомларда эса ток тупининг ўсишига ва навига қараб 250 дан то 350—400 донагача куртак қолдириб кесишмоқда. Бунда кундадан бошлаб, кейин токнинг юқори қисмида жойлашган новдалар навбати билан кесилади ва уларда керакли миқдорда куртак қолдирилади.

МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИ

Бу хўжаликда ток қирқишда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган агроном, машҳур соҳибкор марҳум Ризамат ота Мусамуҳамедов томонидан тавсия этилган илғор ток кесиш усули кенг қўлланмоқда. Ишком ва сўрининг юқори қисмидаги ток новдаларида 14—16 тагача, ўрта қисмида 8—12, паст қисмида эса 6—8 тагача кўз қолдириб новдалар қирқилади. Келгусида сўрхил новдалар, пайдо қилиш мақсадида иккита узун ҳосилли новда ҳисобига биттадан 2—3 кўзга эга бўлган ўринбосар калта новда қолдирилади.

Ток қирқишда ҳеч вақт шаблонга йўл қўймаслик керак. Токда новда ва куртак қолдиришда ток туплари нинг ёши, нави ва умумий ҳолати, албатта, ҳисобга олиниши лозим. Кучли ўсувчи хўраки ва винобоп узум нав туплари да новдалар ва кўз сони кўпроқ қолдирилади. Чунки, суғориладиган ерларга ҳар йили органик ва минерал ўғит солинишни, қишда яхоб суви, ёзда 4—3 марта сув берилиши ва яхши парвариш қилиниши, иссиқ қўшли кунларнинг давомли бўлиши натижасида ток туплари да новдалар кучли ва йўғон тортиб ўсади.

Токзорлан юқори ҳосил олаётган хўжаликлар ва айниқса бригадалар сони йил сайин кўпайиб бормоқда. Масалан, Тошкент районидаги Ильич номли колхоз соҳибкорларининг қилаётган ишлари ҳам анча намуналидир. Бу колхозда Саидкарим Саидаҳмедов бошлиқ ихтисослашган бригаданинг бир массивдаги токлари 57 гектарга етказилган. Кейинги йилларда ҳосилга кирган токзорларнинг гектаридан 120—140 центнердан ҳосил олинмоқда. Бу йил 4 яшарли Баён Ширей узум навининг гектаридан олинган ҳосил 120 центнерга етди.

Исмат Абдуллаев, Солиҳ Муслимов, Рихсивой Қодиров, Анвар Ҳайдаров, Ёқут Тўлаганова, Умри Аҳмедовалар шу бригадада 10—15 йилдан бери ишлаб кўп тажриба орттирганлар. Ток қирқиш, суғориш, ўғитлаш, хомток қилиш каби ишлар шу моҳир соҳибкорларнинг иштирокида ўтказилмоқда.

Учинчи беш йилликкинг тўртинчи йилида олмадан юқори ҳосил олишга эришган «Қибрай» совхоз-заводидаги боғдорчилик бригадасига кўп йилдан бери Умрихон Улуғхўжаева раҳбарлик қилади. Бу бригадада 50 гектар мевазор бўлиб, ҳар йили мўл ҳосил етиштирилмоқда. Масалан, 1976 йилдан бери гектаридан 160—180 центнердан мева теріб олинмоқда.

Бундай юқори кўрсаткичга боғ қатор ораси куза яхшилаб шудгорланганги, шудгор олдидан гектарига 8—10 тоннадан маҳаллий ўғитга 500 килограмм суперфосфат, 40—50 килограмм соф калий аралаштириб солинаётгани, қишда 2 марта яхоб суви, ёзда 4—5 марта суғорилаётгани, қиш ва баҳорда шакл бериб кесилаётгани туфайли эришилмоқда. Ҳалдан ташқари баланд ўсиб кетган Розмарин олма дарахтларининг учки қисми эрта баҳорда кесиб қайтарилади. Бу тадбир олма дарахтлари 14—15 ёшга кирганда бир марта ўтказилади.

Бир сўз билан айтганда бизнинг илмий ишлаб чиқариш бирлашмамиз олимлари, мутахассислари тавсиялари асосида иш юритаётган кўпгина хўжаликлар йил сайин муттасил юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар. Шу кеча кундузда боғ ва токзорларда кузги агротехник тадбирларни сифатли амалга оширган боғбон ва соҳибкорлар келгуси йил мўл ҳосил учун пухта замин яратган бўладилар.

М. СОБИРОВ,
Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси агротехника бўлими бошлиғи, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ЭРОННИНГ МИЛЛИЙ ПРОБЛЕМАСИ

ТЕҲРОН, 24 октябрь. (ТАСС). Эрон Курдистонида кескин вазият ҳукм сурмоқда.

«Теҳрон таймс» газетаси бундай деб ёзади: министрлар курд проблемасини сиёсий ҳал этиш йўлини қидиришга тайёр эканликларини билдираётган бир вақтда ҳукумат қўшинлари курдлар истиқомат қилаётган 6 та шаҳар қамалини тобора қисиб бормоқдалар. Бу шаҳарларнинг кўчаларида жанглар бораяпти. Қўмондонлик қўзголончиларга қарши «яши уруш» эълон қилмоқчи.

Курдистондаги уруш ҳар куни ўнлаб кишиларни курбон қилмоқда, жуда кўп вайронгарчиликлар ва тинч курд аҳолиси учун азоб-уқубатлар келтирмоқда. Қўшинлар қуршаб олган Моҳобод, Сердешт, Букан ва бошқа шаҳарларда озиқ-овқат танқис бўлиб қолди, ёқилғи, электр энергияси йўқ.

Эрон Курдистонининг турли районларида ва курдлар истиқомат қилаётган бошқа районларда қуролли тўқнашувлар давом этмоқда. «Бом дод» газетасининг хабар беришича, кеча Моҳобод, Сердешт, Пираншаҳр шаҳарларида тўқнашувлар бўлиб ўтган. Қўзғолончилар Ноусуд ва Купан яқинидаги жандарма постларига, шунингдек Бана шаҳридаги ҳарбий гарнизонга оғир тўпларни ишга солиб ҳужум қилганлар. Улар Моҳободда «Ислом революцияси қўрқчилари» бўлинмаларига ва жандармаларга қарата гранаталар ташлаганлар. Пираншаҳрда қуроллланган мусулмон бўлинмаларининг зўравонлик ҳаракатларига қаршн норозилик юзасидан аҳолининг оммавий намойиши бўлиб ўтди. Намойишдан бир кун олдин «Ислом революцияси қўрқчилари»дан бири ўқишга бораётган бир гуруҳ болаларга қараб ўт очди. Натижада бир ўқувчи ўлди ва тўрт бола оғир яраланди.

Пираншаҳр аҳолиси можаронн текшириш учун бу ерга келган қуруқлиқдаги қўшинлар қўмондони генерал Филлаҳидан қуроллланган мусулмон отряларини шу шаҳардан олиб кетишни талаб қилди.

Эрон ички ишлар министри Саббагиян «Теҳрон таймс» газетаси мухбири билан суҳбатда қуйидагиларни хабар қилди: ҳукумат қабул қилган қарорга мувофиқ Эрон Курдистонининг бош шаҳри Сердештда уч министрнинг штаб квартираси ташкил қилинади. Шу райондаги вазиятни нормаллаштириш вазифаси мазкур министрларга юклатилган. Мудофаа министри Чамран ҳозирқ Курдистонга келди.

Комиссиянинг учинчи аъзоси — давлат министри Саҳаби шу газетанинг мухбири билан суҳбатда курдлар проблемасини ҳал этишнинг бирдан-бир йўли — музокаралар олиб бориш йўлидир, деб айтди. У комиссия аъзолари Сердештга тез-тез келиб турадилар, ёки бу ерга ўз вакилларини юборадилар деб уқтириб ўтди. Бу вакиллар музокараларда қабул қилинган қарорларни маҳаллий ҳокимият органлари орқали амалга ошириш ваколатига эгадир. Курдлар проблемаси, деб таъкидлади министр, ҳақиқатан миллий проблемадир, курдларга марказий ҳукумат назорати остида муҳториятбериш керак.

(ТАСС).

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

ДАМАШҚ. Совет Иттифоқининг ёрдами билан Фрот дарёсида қурилган гидроэнергетика комплексининг ишга туширилиши Сурия ҳукумати мамлакатнинг қишлоқ районларини электрлаштириш борасида катта тадбирлар ўтказа бошлашига имкон берди.

Сурия энергетика министри Аҳмад Умар Юсуфнинг айтишича, шу йилнинг бошидан бери мамлакатдаги 300 дан ортиқ қишлоқ электр энергияси олди.

АММОН. Исроилда озиқ-овқат маҳсулотларининг чакана нархлари яна анча оширилганлиги эълон қилинди. Исроил радиосининг хабарига кўра, буғдой уни ва шу ундан ясалган маҳсулотлар, шунингдек ловия ва соя дони 30 процент қимматлашади. Ҳукумат кенг истеъмол молларига жорий этилган давлат ёрдам пулини қисқартириш ва уни секин-аста бекор қилиш сиёсатига мувофиқ нарх-навони оширган.

(ТАСС, 24 октябрь).

ХИТОЙ РАҲБАРИНИНГ ИҒВОГАРЛИК РУҲИДАГИ ГАПЛАРИ

БОНН. Матбуотнинг хабар беришича, бу ерга келган ХХР Давлат кенгаши бош министри Хуа Гофэн ўзининг бир қанча нутқларида қандайдир «гегемончилар»нинг «экспансиясини тўхтатиш» учун ғарб давлатларини Хитой билан бирлашишга даъват этди. Пекин пропагандаси «гегемончилар» деб Совет Иттифоқини, Вьетнам ва бошқа социалистик мамлакатларни назарда тутмоқда.

«Нойе рур-пайтунг» газетаси Хитой раҳбарининг айтган гапларига тўхталиб, бугун шундай деб ёзади: «Бонн билан Пекин ўртасида сиёсий бирлик бўлиши мумкин эмас. ГФР реалликни сезишдан маҳрум бўлиш ҳуқуқига эга эмас. ГФР Ф. Й. Штраусниг маслаҳатига кўниб, Хитой ёрдами билан Москвага тазйиқ қилиш мумкин деб ҳисобласа, у ҳолда реалликни ҳис этишдан маҳрум бўлиб қолади...

ПАРИЖ. «Юманите» газетаси, «Хуа Гофэннинг баёнотидан Ғарбий Германиядаги ўта реакциячилар мамнун бўлмоқда» деган сарлавҳа остида хабар босиб чиқарди. Хабарда бундай дейилади:

«Ғарбий Германиянинг ўта реакциячилари Хуа Гофэннинг сўзларидан, жумладан, унинг қудратли ГФР «Европа доирасида тинчликни сақлаб қолишга кўмаклашган бўдур эди, деган даъволаридан мамнун бўлмай қололмади». Хуа Гофэннинг «Ғарбий Европа мамлакатлари иттифоқ тузиш йўлидан олга боришлари» тўғрисидаги истакларига келганда шуни айтиш керакки, деб ёзова қилади газета, бу истак Хитойнинг миллий суверенитетини кўп миллатли монополияларга, Ғарбий Германия ва Американинг қуч-қудратига қурбон қилишга интилаётган интеграция тарафдорларини қўллаб-қувватлаётганлигини яна бир марта исбот этди.

ТОКИО. «Акахата» газетаси Хуа Гофэннинг Парижда ва Боннда олиб борган музокаралари тўғрисидаги хабарида Хитой раҳбари «Ғарбий Европа мамлакатларини ядро билан қуроллашишини кенгайтиришга гижгижлади» деб қайд қилди.

АДДИС-АБЕБА. ВСРнинг Социалистик Эфиопиядаги элчиси Зуй Чинь бу ерда бўлиб ўтган матбуот конференциясида бундай деди: Хуа Гофэннинг Ғарбий Европадаги бир қанча мамлакатларга қилган сафари, жумладан Жанубий-Шарқий Осиёда Пекиннинг экспансиячилик йўли ғарб давлатлари томонидан қўллба-қувватланишига эришишга ва Совет Иттифоқига, Вьетнамга ҳамда социалистик ҳамдўстликдаги барча мамлакатларга қарши ёлғон пропаганда кампаниясин авж олдиришга қаратилгандир.

(ТАСС, 24 октябрь).

МУСТАЙ КАРИМ—60 ЁШДА

БОШҚИРД ЭЛИНИНГ КУЙЧИСИ

Туркий халқлар группасига кирувчи бошқирдлар Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабасидан кейин Россиядаги бошқа миллатлар қатори ўз миллий маданиятларини кескин равишда юксалтириш имкониятига эга бўлдилар. Совет Иттифоқида ривожланган социалистик жамият барқ уриб яшнаётган ҳозирги шароитда бошқирд совет адабиёти кўзга кўринган намояндаларга эгадир. Булар орасида атоқли шоир ва драматург Мустай Каримнинг ўз ўрни ва овози бор.

Мустай Карим — Мустафа Сафич Каримов 1919 йилнинг октябрь ойида Бошқирдистон АССРнинг ҳозирги Чишма районида деҳқон оиласида туғилди. У 1941 йилда Бошқирдистон Давлат педагогика институтининг адабиёт факультетини тугатди. Улуғ Ватан уруши йилларида «Совет жангчиси» фронт газетасида ишлади.

Мустай Карим ўз ижодини 1935 йилдан бошлаган. 1938 йилда илк шеърлар тўплами — «Отряд қўзголди» босилиб чиқди. 1941 йил эълон қилинган «Ёзги товушлар» китобида совет ёшларининг қаҳрамонлиги ва ватанпарварлик туйғулари ўз ифодасини топди. «Декабрь қўшиғи» (1942), «Менинг тулпорим» (1943), «Ўлмасой» (1942—1944) асарларида совет жангчиларининг фашизмга қарши мардонавор кураши, халқларимизнинг ғалабага бўлган ишончи ифодаланди. «Қайтиш» (1947), «Колхозимиз қизлари» (1948), «Жонажон халқимга», «Сабан тўй» (1953) шеърларида бошқирд халқининг ҳаёти, урушдан кейинги тикланиш даврининг манзаралари, совет кишиларининг жасоратли меҳнати куйланди.

Адибнинг рус тилида босилиб чиққан «Ойдин йўл» (1958), «Тошда унган гул» (1949), «Мен — россиялик-ман» (1956), «Танланган асарлар» (1973) каби китоблари унинг шуҳратини Иттифоқ миқёсига ёйди. Мустай Карим 1963 йили Бошқирдистон АССР халқ шоири унвонига сазовор бўлди.

У фақат шеърият билан кифояланиб қолмай пьеса ва қиссалар ҳам ёзди. Шоир «Йиллар изидан» (1971) шеърлар тўплами учун 1972 йилда СССР Давлат мукофотига сазовор бўлди. Мустай Карим узоқ йиллар Бошқирдистон АССР Ёзувчилар Союзи правлениесининг раиси (1951—1962) бўлиб ишлади.

Мустай Карим — ўзбек адабиётининг яқин дўсти. Навоий, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Зулфия ижодини тарғиб қилувчи бир қанча адабий мақолалар ёзган, республикамизда бир неча марта бўлиб, халқимизнинг меҳнатсеварлиги ва меҳмондўстлигини ўз кўзи билан кўрган, юртдимизга бағишланган ажойиб шеърлар битган.

Адибнинг қатор шеърлари А. Мухтор, Зулфия, Шукрулло томонидан ўзбек тилига ағдарилиб китобхонларга ҳадя этилган. «Ой тутилган тунда» фожиали драмаси эса Ҳамза номли ўзбек академик драма театри саҳнасида муваффақиятли қўйилиб келмоқда.

Биз бошқирд адабиётининг истеъдодли намояндаси Мустай Каримни 60 ёшга тўлиши билан қутлар эканмиз, адибга сиҳат-саломатлик, ижодига барака тилаймиз.

Сиз М. Карим шеърларининг янги таржималари билан танишасиз.

Суратда: [чапдан ўнгга] М. Карим С. Капутикян, Н. Сафаров ва К. Кулиевлар билан суҳбат пайтида.
С. Маҳкамов фотоси.

МУСТАЙ КАРИМ, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

* * *

О, Муҳаббат. Еввош йигитларни
Гоҳо ботир, гоҳо шер этдинг.
Қайроқ тошдек қаттиқ хотинларнинг
Кўнгилларин гоҳо эритдинг.
О, муҳаббат! Чечан йигитларни
Ўзин Мажнун, тилин лол қилдинг.
Сўзга нўноқ қизларни эса
Булбулларга бир мисол қилдинг.
О, муҳаббат! Қанча қисматларин,
Дунё дўзахида ёндирдинг.
Қанчаларнинг номин шарафлаб
Мангу қўшиқ қилиб қолдирдинг!..

ШУКРУЛЛО таржимаси.

* * *

Донога сиримни айладим баён,
Дардимни топширдим унинг қўлига.
Ўз истагим билан, доно ногаҳон
Айлантириб қўйди мени ўғлига.
Сиримни нодонга сўзладим ошкор,
Кўнгил дардларидан этгандим воқиф.
У эса ногаҳон қўйди қилмай ор
Қуллик унвонини кўксимга тақиб.

Р. ҒАНИЕВ таржимаси.

МУСТАЙ КАРИМГА

ЯШАГИМ КЕЛАДИ

Бугун эрталабдан хомушроқ турдим,
Билмадим, бу тушим асоратими?
Ё мени маст қилган туллар атрими?
Нечундир боғимда хаёлчан юрдим.
Ўйларим чувалган, ҳолим паришон,
Бу илҳом парисин сеҳримиди ё?
Баъзида не кўйга солмайди дунё,
Не-не ҳолатларни кечирмас инсон.
Овутмоқ бўламан бир дам ўзимни,
Булбуллар куйига қулоқ соламан,
Ширин хаёлотлар ичра толаман,
Аммо қувонтирмас гул ҳам кўзимни.
Ўтган қувончларни эслайман бир дам,
Илк бўса лаззатин ёдлайман қайта.
Аммо хаёл асир қилган пайтда
Улар ҳам қалбингта бўлолмас малҳам.
Қайга етакламас гоҳи хотира,
Не-не хаёлларга бормайсан баъзан.
Аммо зўр қувончи ҳис этолмайман,
Дўстларим борлигин эслашдан кўра.
Дўстлардан эшитган илиқ сўзларим
Қалбимга нур бўлиб, бағишлар қанот.
Яна ҳам гўзалроқ кўринар ҳаёт,
Яшагим келади, яна яшагим.

ШУКРУЛЛО.

ЖОНИВОРЛАРНИНГ ОНАЛИК МЕҲРИ

Жониворлар ҳам ўз болаларига жуда меҳрибон бўлишади. Типратикон ўз боласини юмшоғим, қўнғиз эса оппоғим, деган экан.

Паррандалар ва бошқа баъзи ҳайвонларга болаларни парвариш қилишни ҳеч кимса ўргатмаса ҳам улар барибир билағонлардек иш тутишади. Бу туғма инстинкт деб аталади. Қуйида Сиз мана шу фикрни тасдиқловчи айрим воқеалар билан танишасиз.

ОВЧИ Сабуктегин жуда камбағал аҳволда ҳаёт кечирар, унинг бисотида биргина отидан бошқа ҳеч нарсаси йўқ эди.

Кунларнинг бирида у саҳрода ўтлаб юрган она-бола оҳуга дуч келиб қолди ва дарҳол уларга қараб от қўйди. Она оҳу чаққонлик билан қочиб қутилишга улгурган бўлсада, унинг боласини овчи тутиб олди. Оёқларини боғлаб эгарга ўнгарган ҳолда шаҳар томон равона бўлди.

Она оҳу ўз боласининг қўлга тушганини кўриб, у ёқдан бу ёққа чопар, Сабуктегин атрофида гир айланиб ундан боласини қўйиб юборишни илтижо қиларди. Бу ҳолни кўрган Сабуктегиннинг оҳуга раҳми келди ва унинг боласини қўйиб юборди. Оҳу хавф-хатарга қарамай боласини дарҳол бағрига олди.

* * *

ГЕОЛОГЛАР ўз ишлари билан банд эдилар. Узоқдан айиқнинг овози эшитилди. Ниҳоят, дарахтлар орасидан унинг ўзи ҳам кўринди. Бетоқат айиқ, ўзини у ёқ-бу ёққа ташлади. Геологлар бу ҳолдан саросимага тушган бўлсалар-да, айиқни ҳайдашга уриндилар. Айиқ аста секин тисланиб орқага қайтди. Одамлар ҳам унга эргашиб бирин-кетин кетаверишди. Бироз юрилгандан сўнг айиқ катта бир чуқурлик олдида тўхтади. Бу чуқурликни геологлар қазиган эдилар. У ердан эса кичкина айиқчанинг зорланган ноласи эшитиларди. Кишилар камар ва қўйлакларидан арқон ясаб, чуқурликдан айиқ боласини тортиб олишди. У бирам ожиз ва бедармон эдики, ҳатто оёқларида туролмасди. Она айиқ эса сал нарида қоравулдек, энди боласидан хотиржам турарди.

Геологлар айиқчани роса бир ҳафта парвариш қилдилар Айиқча ўзига келиб, юрадиган бўлган ҳам эдики, онаси уни олдига солиб ўрмон томон бошлади.

* * *

ОНА товуқ жўжаларини «саёҳат»га олиб чиққан вақтда, иттифоқо, ҳавога булут чиқиб дўл ёғди. Товуқ фурсатни бой бермай, жўжаларини қаноти остига яширди. Дўл зарбига қалқон бўлган она товуқнинг ўзи эса, нобуд бўлди.

* * *

ҚОПҚОРА итни қоплон деб аташади. Бир куни у боғда икки илонни ғажилаб ўлдирди. Кейин маълум бўлишича, илонлар қоплоннинг инида ётган болаларига яқинлашиб қолган экан.

* * *

ШОФЕР Ф. Чуев гаражда, ўз автокрани олдида бир қушни тез-тез учратарди. У двигателни ишга солиб юборса, қушча ҳавога кўтарилар, аммо учиб кетмас эди.

Бир куни шофёр ишга келди-да, моторни кўздан кечира бошлади. Радиаторнинг устига қўйилган қуш уясини кўрди-ю, ҳанг-манг бўлиб қолди.

Чуевнинг жониворга раҳми келди. Инга тегмади. Автокран қурилишларда ишлади, аммо қушча автокрандан — ўз инидан узоқ кетмади.

Бир куни инда олтита тухум пайдо бўлиб қолди. Қушча эса нни устида пирилдаб турибди. Чуев инни эҳтиётлик билан гараждан сал нарироқда турган темир қутигача кўчириб қўйди. Шундан сўнг кран шаҳар қурилишларига равона бўлди, парранда эса фарзандларини парваришлаш билан банд эди.

* * *

ЯНГИ тухум очган қуш инида болалари билан ётарди. Ўрмонга ўт кетиб, уларнинг тинчлигига путур етди. Шундан сўнг қуш болаларини битта-битталаб ёнгиндан олиб чиқа бошлади.

У тутунга, иссиққа чидаб олавдан юқорироқ парвоз қиларди. Она қуш охирги боласи учун ҳам қайтиб келганида ёнаётган инга қўнолмасдан дод-фарёд солди.

З. ЭГАМБЕРДИЕВ
тўплаган.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Бизнинг АХБОРОТ

КЎПРИК КОНСТРУКЦИЯЛАРИ ҚУЙИЛИҚДАГИ эксперименталь кўприк конструкциялари заводи ишчилари йил бошидан бери буюртмачиларга 55 минг куб метрга яқин маҳсулот етказиб бердилар. Бу конструкцияларнинг 30 процентя давлат Сифат белгиси билан чиқарилди.

Завод муҳри босилган маҳсулотлар Ўрта Осиё республикаларидан чиқиб, Байкал-Амур магистрали, Тюмень қурувчиларига ҳам бориб етмоқда. Улар кўприк конструкциялари сифатига юқори баҳо бермоқдалар.

Ҳозирги кунда корхонада доҳиймиз В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги шарафига қизғин мусобақа бошланиб кетган. Ишчилар шу шонли сана арафасида беш йиллик планнни бажаришга ва қўшимча кўплаб маҳсулотлар ишлаб чиқаришга интилмоқдалар.

ТАБИАТ БУРЧАГИГА МУКОФОТ

ТОШКЕНТ районидаги 6-мактаб ўқувчилари табиат билан дўстлашиб қолишган. Улар ташкил қилган тирик бурчакда бройлер товуқлардан тортиб, сайроқи қушларгача боқилиپти. Яқинда сайроқи ва декоратив қушларнинг республика кўриги ўтказилди. Бу кўрикда ўқувчилар актив қатнашиб, биринчи ўринни олдилар. Мактаб тирик бурчаги бу кўргазманинг ёрлиғи билан тақдирланди.

Табиатсеварлар тўтарагига район табиатни муҳофаза қилиш жамиятининг маъсул котиби Т. Мавлонов бошчилик қилаяпти.

ПАХТАКОРЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

Областимизда маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари кенгайиб бораётир. Фақат шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида 40 та янги комплекс қабул қилиш пункти ташкил этилди. Булар график асосида пахта йиғим-терими кунларида дала шийпонларида хизмат қилмоқда.

Пахта терими мавсумида «Зангори экран» ва «Техсложбитприбор» ихтисослаштирилган ишлаб чиқариш бирлашмаларининг иши янада яхшиланди. Фақат «Зангори экран» бирлашмасида 50 та кўчма бригада ташкил этилди. Радио, телевизорларни ремонт қилиш устахоналарининг иш вақти қишлоқ меҳнаткашлари учун қулай соатларга ўзгартирилди.

М. ЗАРИПОВ.

ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ

МОСКВА. «Изолятор» заводида йил бошидан бери планга қўшимча равишда 200 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди. Суратда: истеъмолчиларга жўнатиладиган маҳсулот кўздан кечирилмоқда.

ВОЛГОГРАД ОБЛАСТИ. Ленин орденли Череповец металлургия заводида янги цех қурилиپти. Бу билан Ватан кўплаб пўлат олиш имкониятига эга бўлади. Суратда: янги цех қурилишида..

Волгограддаги «Каустик» ишлаб чиқариш бирлашмаси маҳсулотлари совутиш техникасида, маиший химия товарлари ва аэрозоллар тайёрлашда жуда қўл келади.

В. Кошевой, С. Метелица, В. Худяков ва Э. Котляков фотолари.
(ТАСС фотохроникаси).

Спорт

УМИД ЖАВОБ УЧРАШУВЛАРИДАН

Ўтган куни Европа чемпионлари кубоги, кубок эгалари кубоги ҳамда УЕФА кубоги учун навбатдаги босқич ўйинлари бўлиб ўтди. Киев ва Тбилиси динамочилари сафарда, пойтахт динамочилари эса ўз майдонларида ўйин ўтказдилар. Шуни айтиш керакки, бу тур учрашувлари совет футболчилари учун омадли бўлмади. Москва динамочилари ўз майдонларида Португалиянинг «Боависта» клуби билан бўлган ўйинни натижасиз дуранг қилишди. Киевликлар Чехословакиянинг «Баник» командасига 0:1 ҳисобида ютқазишди. Тбилиси футболчилари эса Германия Федератив республикасининг «Гамбург» командасидан 1:3 ҳисобида енгилдилар.

Футбол мухлислари жавоб учрашувларига умид боғлашмоқда. Такрор ўйинлар икки ҳафтадан кейин бўлади.

«БЎСТОН» БИРИНЧИ ЛИГАДА

Келаси йил мамлакат футбол чемпионатининг биринчи лигасида Ўзбекистон вакиллари ҳам иштирок этишадиган бўлишди. Жиззахнинг «Бўстон» командаси мавсум тугашига бир тур қолганда 69 очко тўплаб ягона йўлланма эгаси бўлди. Жиззахлик футболчилар ўтган куни ўз майдонларида Магнитогорскинни «Металлург» командасини қабул қилиб, 2:1 ҳисобида устун келишди. Виктор Васильевич Борисов шогирдлари мавсум бошланишиданоқ йўлланмага даъвогарлардан бири эканликларини яширмадилар. Кураш асосан «Янгиер», «Шаҳрихон» ва «Бўстон» командалари ўртасида борди. «Шаҳрихон» футболчилари жиззахликлардан 8 очко ўзиб кетган дамлар ҳам бўлди. Лекин «Бўстон» пешқадам кетидан қувиб бориб, финишда ўзиб кетишга муваффақ бўлди. Команданинг ютуғида Борис Серостанов, Анвар Боқиев, Рустам Мирсодиқов сингари футболчиларнинг ҳиссаси салмоқлидир.

47 турнинг бошқа учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди. «Янгиер» — «Текстильщик» — 2:1; «Динамо» — «Шаҳрихон» — 2:0; «Хоразм» — «Сигнал» — 2:0; «Металлург» (Чм) — «Амударё» — 2:0; «Химик» — «Труд» — 6:1; «Пахтакор» — «Орбита» — 0:0; «Каршистрой» — «Наримоновец» — 2:0.

МЕРГАНЛАР БАХСИ

Тошкентда камондан отиш бўйича мамлакат Қуролли Кучларининг чемпионати бўлиб ўтди. СССР халқлари ёзги VII спартакиадасининг мутлоқ чемпиони тошкентлик Наталья Бутузова 50 метрга мусобақалашишда жаҳон рекордини ўрнатиб, 70 метрдаги нишонни мўлжалга олишда Бутуниттифоқ рекордини такрорлади. Моҳир мерган М2 машқида биринчи мукофотли ўринни эгаллади. Туркистон ҳарбий округи командаси 12 коллектив қатнашган чемпионатда 6-ўринни олди.

ТЎПЛАР НИСБАТИНИНГ АФЗАЛЛИГИ

Харьков шаҳрида сув полоси бўйича ёшлар ўртасида касаба союз спортчиларининг Бутуниттифоқ чемпионати бўлиб ўтди. Тошкентнинг «Меҳнат», Қозоннинг «Синтез» ва Харьковнинг «Локомотив» командалари бир хил 11 тадан очко тўплашди. Тўплар нисбатига кўра тошкентликлар мусобақа ғолиби бўлишди. «Меҳнат»нинг бундай муваффақиятида унинг устозлари В. Тутушкин билан В. Харитоновларнинг ҳиссаси каттадир. Яна шуниси ҳам қувончлики, тошкентликлар устозининг ўғли Герман Тутушкин турнинг энг яхши ўйинчиларидан бири деб тан олинди.

РЕКЛАМА ва ЭЪЛОНЛАР

РЕСПУБЛИКАНИНГ КУЗ ДАСТУРХОНИ

Ўзбекистон ерлари нақадар саҳий. Қува анорню, Хоразм қовуни, Наманган олмасию, Самарқанд ноқлари, Сурхон беҳиларню ўнлаб узум навлари шуҳратн республикамиздан ташқарида ҳам аллақачонлар довруғ қозонган.

Қишлоқ хўжалиги йили охирлаётган ҳозирги кунларда қишлоқ меҳнаткашлари пойтахтликлар олдида ўзига хос ҳисобот бермоқдалар.

Октябрь байрами арафасида Тошкентда республика мева-сабзавот ярмаркаси очилади.

Қорақалпоғистон АССР ва республикамиз областларидаги боғ ва далаларимизнинг бойлиги ва кўрки ўз салобати ва ҳусни билан намойиш этилади.

1 НОЯБРДАН 6 НОЯБРГАЧА

шаҳарнинг йирик районларида ярмарканинг сабзавот павильонлари ишлайди.

Тошкентликлар ва пойтахтимиз меҳмонлари у ердан карам, пиёз, картошка, чеснок, помидор, бақлажон, лавлаги, сабзи, бодринг, қовоқ, турп ва шолгом каби сабзавотларни, узум, анор, олма, нок сингари боғ ноз-неъматлари, қуруқ мевалар ва сабзавот ҳамда мева-консервалари, асал сотиб олишлари мумкин.

Киров ва Ленин райони аҳолисини биз Дзержинский номли майдонга жойлашган ярмарка павильонига;

Куйбишев районида яшовчиларни трактор заводи бозорига;

Ҳамза районидагиларни Авиақурувчилар турар жой шаҳарчасига;

Акмал Икромов ва Чилонзор раойнидагиларни Фарҳод ярмаркасига;

Октябрь ва Собир Раҳимов районидагиларни Чорсув майдонига;

Фрунзе ва Сергели районидагиларни Тўқимачилик комбинати (Физкультурная кўчаси) районига таклиф этамиз.

РЕСПУБЛИКА МЕВА-САБЗАВОТЛАР ЯРМАРКАСИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!



ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ БОШ САВДО БОШҚАРМАСИ.
«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ.

Муҳиддин Қориёқубов номидаги
Ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

27—28 ОКТЯБРЬ СОАТ 19.00 ДА

КОНЦЕРТ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
Вилоят ОҚИЛОВА

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати
Дилбар ФАЕЗОВА

Солистлар: Фахриддин УМАРОВ, Ҳожиакбар ҲАМИДОВ, Дилором ҚАЮМОВА, Ҳотам ҲОЖИЕВ, Райҳон АБДУЛЛАЕВА, Бахтиёр ХОЛХУЖАЕВ, Ҳавасхон ҲОЖИЕВА ва Ўткир СИДДИҚОВ.

Программани — Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.

Билетлар сотилмоқда.

Телевидение

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Времл. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Горичилар қердасиз? 10.35 — Концерт. 11.20 — Мунозара-клуб. 12.30 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.20 — Сенинг ленинча кутубхонанг. 16.50 — Концерт. 17.20 — Ёш спортчининг катта майдони. 17.50 — Поэзия. 18.30 — Москва ва москваликлар. 19.00 — Мультфильмлар. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.35 — Қишлоқ ишлар ва муаммолар. 20.20 — Давр бизни танлади. Бадиий фильм. 4-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Давр бизни танлади. Бадиий фильм. 5-серия. 23.10 — Дунё воқеалари. 23.25 — Сильвия Вартан куйлайди.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Бойчечак. 12.00 — Ҳужжатли фильм. 12.30 — Ўқув кўрсатуви. 13.00 — Кундузги сеансга иккита билет. Бадиий фильм. 14.35 — Ҳужжатли фильм. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — Ёшлик. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Телевизион фильм. 20.00 — Оламда нима гап? 20.30 — Ахборот. 20.50 — Т. Муродов куйлайди. 21.30 — Время. 22.05 — Хирмонингизга барака. 22.20 — Театрда премьера. 23.20 — Ҳужжатли фильмлар

ТЕАТР

НАВОИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 26 IX да **Севги ҳақида афсона**, 27 IX да **Пётр I.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 26 IX да **Тўйдан олдин томоша**, 27 IX да **Олифта.**

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **совет циркининг 60 йиллигига бағишланган юбилей программаси (19.30).**

Тошкент область матлубот жамиятлари союзи правленнеси ва коллективи тайёрлов бошқармасининг бўлим бошлиғи, кекса кооператор

Раҳим Ғаниевич АҲМАДЖОНОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П. ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор — 336495; 325302, редактор ўринбосарлари — 335885, 325747 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750.

БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894.

Р. 07538. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Е.—2597. 11